БУТУН ДУНЕ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ ВА МЕҲНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

№ 25 (3763). | Сешанба, 6 февраль 1968 йил. | Баҳоси 2 тийин.

Бекобод районидаги Ленин номли колхознинг Икромали Сидиқалиев ва Дзержинский номли колхознинг Ортиқбой Қодировлар бошлиқ звеноларининг ўтган йилги иш якунлари ҳақида фикрлар.

ИККИ ЗВЕНО—ИККИ НАТИЖА

ЕРНИ БОҚСАНГ— СЕНИ БОҚАДИ

ЕР ДЕҲҚОННИНГ боқувига қараб ҳосил беради. Уни вақтида тўйдирса, тупроғини ишқ билан ардоқласа бағридан кон топади. Бордию, ерни алдаса, емишидан, сувидан вақтида хабар олмаса, меҳр қўйиб ишламаса ер қўксидаги ўз бойлигини чиқаришга оғринади. Шу важдан ҳам деҳқонларимиз ерга берсанг у сени тўйдиради, бермасанг қуйдиради, дейдилар.

Гап деҳқоннинг ерга бўлган муносабати хусусида борарди. Колхоз раиси Ҳайдарали Ҳамроқулов гап бошлаб қолди.

— Энди, мен сизга айтсам деҳқонки ерининг жиловини қўлга ололмадими, у бебошвоқ бўлиб қолиб эгасини хуноб қилади. Охири уялтириб қўяди. Бу гапим билан нима демоқчиман? Айтмоқчиманки, катта ҳосил олишни ният қилган киши ҳаракатини ёзда эмас, кузда бошлаши керак. Баъзилар экин ўсаётган пайтда ўғитни кўп бериб, кузги, баҳордаги қўлдан бой берган ишларини ёзда тузатмоқчи бўлади. Йўқ, фурсат ўтгандан кейин тузатиш қийин. Ер анойи эмас, у деҳқондан сўрамаса ҳам, билиб олса бўлади. У нега кузда шудгорни яхшироқ қилмадинг, қиш ичи мени нега оч қўйдинг, деяётгандек бўлаверади.

Деҳқон ерни боқса, у топгантутганини деҳқон дастурхонига тўкиб солади.

Раис ўзи юритган мулоҳазасига мисол келтиради.

— Мана, Икромали Сидиқалиев звеносининг ишини олиб кўрайлик...

Шу звено иши билан танишдик. Унинг бошлиғи Икромалининг ўзи билан гаплашдик, звено аъзолари билан суҳбатлашдик.

Гапни Икромали Сидиқалиев бошлади.

— Хўш, мен нима дейишим мумкин, ишладик, ҳаракат қилдик...

Меҳнаткаш, камтарин деҳқон йиғитнинг шу икки оғиз сўзини мушоҳида қиладиган бўлсак, кузданги изғиринлар, баҳордаги сел, бўронлар, ёздаги ҳавонинг мисдек қизишлари яна кузданги беҳаловат кунлар ва тунлар кўз олдимизда бир бир ўтади.

Ер ҳосилдан энди бўшаб-бўшамай терим машиналари ўрнини занжирли тракторлар эгаллайди. Шудгор олдидан далаларга ўғит сепилади, увотлар текисланади, ариқлар созланади. Звено аъзолари: «минерал ўғитнинг ўз вазифаси бор, биз бу ерга кўпроқ гўнг солишимиз керак» деган мақсадга ҳар йили қаттиқ амал қиладилар.

Муҳим тадбирларнинг ўз вақтида амалга оширилаётгани, бунда ишнинг сифатли бажарилишига алоҳида эътибор қилинаётгани туфайли ҳам ҳосил йил сайин ошиб бормоқда.

Масалан, 1967 йилда звенода пландаги 28 ўрнига 41,7 центнердан пахта етиштирилди. Меҳнат унуми ошди. Таннарх камайди. Даромад катта бўлди. Бу жуда қувончли.

Биз шу илғор звенонинг ишлари ҳақида фикр юритганимизда қўшни хўжалик — Дзержинский номли колхоздаги Ортиқбой Қодиров звеносининг гектаридан пландаги 19 ўрнига 16,6 центнердан ҳосил олинганини кўриб ер, иқлим, сув шароити бир хил бўлган, техника билан бир хил таъминланган, аммо етиштирган ҳосилдорлик ўртасида кескин тафовут борлигини кўриб ажабландик ва бу фарқнинг сабабини муҳокама қилдик. Шулар ҳақида гап юритамиз.

ЭРТА ЭККАН ЭРТА ЙИҒАДИ

ИКРОМАЛИ Сиддиқалиев бошлиқ звено ишлари билан танишган киши вақтдан тўғри фойдаланса, бахт келтиради, деган хулосага келади. Пахтачиликда вақтдан ютиш, ҳар дақиқани беҳуда ўтказмаслик катта аҳамиятга эга эканлиги ҳаммага маълум.

Бекобод районидаги Ленин номли колхознинг Икромали Сиддиқалиев бошлиқ звеносида 42 гектар пахта майдони бор. Юқорида айтгандек, унинг ҳар гектаридан 41,7 центнердан ҳосил олишди. Икромали «биз бунда вақтдан ютдик, вақтни иқтисод қилдик, шунинг эвазига ҳосилдорлик ошди», дейди.

Дарҳақиқат, Икромали звеносида ҳар бир дақиқанинг қадрига етиб, иш олиб борилган, бунга кузда ерни шудгор қилишда ҳам, ерни экишга тайёрлашда ҳам, чигит экиш ва ғўза парваришида ҳам алоҳида эътибор берилган. Кузда эртароқ шудгор қилинса, ер яхши дам олади, ҳосилдорлик кўтарилади, албатта. Ҳосилнинг эрта пишиши, эрта йиғиб-териб олиш ҳам энг муҳим шартлардандир. Чунончи, кузги шудгорни бу звенода ноябрнинг биринчи ярмида тугаллаш одат бўлиб қолган. Ҳар бир киши ишни қисқа муддатда бажариш учун астойдил курашади.

Кузги шудгорни ўтказишнинг ўзига хос нозик томонлари анқ ҳисобга олинади. Айтайлик, бу йил картанинг энг четидан шудгор бошланса, янги йилда ундан сал беридан шудгор қилина бошланади. Нега десангиз, ҳар йили бир ердан шудгор қилинаберса, ер сурилади, тўла гектар бўлмай қолади, тупроқни ҳа деб ағдара беришнинг нафи йўқ дейдилар. Шунинг учун карта четини мумкин қадар ағдармай тупроғини сурмай ҳайдашга ҳаракат қилинади. Шундай усуллар амалга оширилган ҳолда бултур гектарига 30 килограммдан суперфосфат солиб тўрт кунда шудгор қилиб бўлинди.

Аввал баҳор, деҳқонларнинг оёқ чигилини ёзадиган пайтлари. Икромали бошлиқ звено аъзолари ёввойи ўт илдизларини теріб ерларни текислашга киришиб кетдилар. Тахтача усули жорий этилган бу звенода иш қизғин давом этаберди. Ер етилиши билан чигит экишга киришилди. Чигит қисқа вақтда экилса, ғўзанинг ёши, унинг ривожи ҳам бир хил бўлади. Ҳосил бир вақтда машинабоп бўлиб пишади. Улар бу қондага амал қилиб бир кунда бўлмаса ҳам, уч кунда — қисқа муддатда ҳамма ерга чигит экиб улгурдилар.

Бу, звенонинг **биринчи ютуғи** бўлди.

Чигит экилгунга қадар ерга 12 тонна, чигит экилаётган вақтда 10 тонна, парвариш пайтида 18 тонна минерал ўғит солинди.

Звенонинг **иккинчи ютуғи** ўсимликни эрта муддатда озиқлантиришга эришгани бўлди.

Ерга солиниган ўғитнинг беҳуда кетмаслиги учун ўз вақтида кўндалангига қирқиб, кераксиз ўсимликлар олиб ташланди ва яшил квадратлар ҳосил қилинди. Икромали звеносида бу муҳим агротехника тадбирлари 7 кун деганда тўла адо этилди. Бу эса звенонинг ишидаги **учинчи ютуқ** бўлди.

Икромали звеносидаги яна бир муҳим иш барча майдондаги чигитни ернинг ўз намига барвақт ундириб олишга эришганидир. «Ҳосил экин тупидан чиқади», деган шиор асосида меҳнат қилингани звено аъзоларининг **тўртинчи муваффақияти** эди.

Кўчат учун кураш биринчи ўринда туради. Звено аъзолари ҳар гектар ерда 100 минг туп кўчат бўлсин деган истак билан меҳнат қиладилар.

— Бу звенонинг энг катта ютуғи интизомнинг мустаҳкамлигида,— дейди Ҳайдарали Ҳамроқулов.— Улар яхши интизомлари, бир-бирларига ишонч, ҳурмат билан қарашлари орқасида ҳаммага намуна бўладилар.

Звенонинг ери қишлоқдан 8 километр нарида. Лекин шунга қарамай, улар ҳаммадан бурун далага етиб келиб иш бошлайдилар. Уларни жуда иноқ ва мустаҳкам коллектив, деса бўлади. Шунинг учун бу ердаги ҳамма тадбирлар айни зарур пайтларда амалга оширилди. Нарядсиз ишлашнинг, тахтача усулининг моҳиятига тушунган колхозчилар ўз ишларига виждонан қарадилар, астойдил меҳр қўйиб ишладилар. Мана шу ўз ишларига бўлган зўр муҳаббат, иштиёқ уларни катта ғалабага олиб келди.

СУВЧИ ВА ҲОСИЛ

МАЪЛУМКИ, пахтачиликда ҳозир механизаторлар етакчи куч ва ҳал қилувчи фигура бўлиб қолдилар. Лекин ёз фаслида сувчиларнинг роли механизаторлардан кам бўлмайди. Кўчатни тўла сақлаб қолишда ҳам, ўсимликнинг нормал ривожланишини таъминлашда ҳам сувчилар ўзларини кўрсатмоқдалар. Бу маҳалда палатартиш сув қўйиш ғўзанинг заволи. Нотўғри сув қўйиб яхши ривожланаётган ғўзаларни айнитиш, саргайтириб қўйиш ҳеч гап эмас. Шу жиҳатдан олиб қараганда Икромали бошлиқ звенодаги сувчилар ўз ишларининг моҳир усталаридирлар.

Икромали Сиддиқалиев бошлиқ звено ерлари заҳкаш, илгари шоликор бўлган. Звенода эса кўпроқ сув талаб қиладиган 47—27 навли эртапишар чигит экилган. Сувчилар ернинг заҳкаш, ер ости сувлари яқинлигини, ҳамда 47—27 навли чигитдан униб чиққан ғўзанинг хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда иш олиб бордилар.

Звенода Абдураимжон Сандалиев, Қамбарали Сандаҳмедовлар сувчилик қиладилар. Тупроқ составини яхши билган, қайси карта қанақалигини, қай томондан сув равон боради, пайновнинг сув тортиши қанақа, шуларнинг ҳаммасини пухта ўрганган бу сувчилар ўз зиммаларидаги масъулиятни тўла ҳис қиладилар. Улар ер шароитини яхши биладиган, деҳқончиликда кўзи пишган, ғўзага шундай қараб сув қўйиш-қўймасликни яхши ажрата оладиган тажрибали деҳқонлардан маслаҳат сўраб турадилар. Қишлоқнинг ҳурматли отахони, колхоз ветерани Акбарали Мирзаев билан кўп гаплашадилар, унинг маслаҳатига қулоқ соладилар. Акбарали ака звенога тез-тез келиб туради. Ғўзаларни кўздан кечиради. Баъзан ғўзага сув қўймоқчи бўлиб турилганда келиб қолади-да, «андек сабр қилинглар» деб сув қўйишни тўхтатиб қўяди. Шунинг учун энг сувхўр ҳисобланган 47—27 навли ғўзани мавсумда тўрт мартадан ортиқ суғормадик. Ҳар галги сув қўйиш муддатини 10—15 кунга чўзмай, 7—8 кунда бажариб бордик. Шунинг учун ғўзанинг парвариши ўртасидаги муддат анча қисқарди.

Икромали Сиддиқалиев звеносининг ютуқларидан яна бири шундаки, улар ғўзани вақтида суғоришга, парваришини ўз муддатида сифатли ўтказишга алоҳида эътибор берганлар ва сувчиларнинг ролини оширганлар, уларнинг моддий манфаатдорлигига алоҳида эътибор берганлар.

ДЗЕРЖИНСКИЙ номли колхозда ҳам ҳосилдорликни ошириш учун жон куйдириб ишлаётган меҳнатсевар кишилар кўп. Шунинг учун 1967 йилда ҳосилдорлик колхоз бўйича планга нисбатан салкам икки центнер ошди. Олломурод Аннамуротов, Тошпўлат Жонзоқов, Туроб Ҳидиров, Ҳайдарқул Пардаев, Аҳмадали Тўхтаматов сингари механизаторлар колхознинг ташаббускор, меҳнатсевар кишиларидан. Улар бошчилик қилаётган звеноларда бултур гектар бошига 3—6 центнердан ошириб ҳосил кўтарилди.

Бу колхоз умуман ўрта даражадаги хўжаликлар қаторига киради. Ишларини Икромали Сидиқалиев звеноси ишига таққослаётган Ортиқбой Қодиров бошлиқ звено эса колхозда энг кам ҳосил олаётган қолоқ звено ҳисобланади. Чунки бу звенода деҳқончилик талабларига яхши риоя қилинмайди, хато ва камчиликларга йўл қўйилади. Чунки Сидиқалиев билан Қодиров бошлиқ звенодаги ер ҳайдаш, чигит экиш, ғўзани кўндалангига қирқиш, озиқлантириш, машина билан пахта териш каби ишларни бир-бирига солиштириб кўрсангиз осмон билан ерча фарқ борлигини кўрасиз. Сиддиқалиев звеносида чигит уч кунда экилган бўлса, Қодиров звеносида ўн кунга чўзилган. Сидиқалиев звеносида ғўзани кўндалангига қирқиб яшил квадратлар ҳосил қилиш етти кунда бажарилган бўлса, Қодиров бошлиқ звенода бу иш 33 кунда бажарилган. Ҳар иккала звенода чигит экиш бир вақтда бошланган бўлса ҳам Икромали звеносида Ортиқбой звеносидан 7 кун олдин тамомланди. Экин, айниқса ғўзанинг кун санашини ҳисобга олганда, Қодиров звеносида юз берган бу хилдаги судралиш уларни орқага тортган асосий камчиликлардан эди.

Сўнгра, Икромали звеносида чигит бир ҳафтага қолмай ернинг ўз намига ундириб олинган. Аммо Ортиқбой звеносида чигит суви беришга мажбур бўлинган. Шунинг учун қаторларни кўндалангига қирқиб яшил квадрат ҳосил қилиш чўзиб юборилган.

Бу икки звенода минерал ўғитдан фойдаланиш ҳам ҳар хил. Масалан, биринчисида экиш олдидан 12, иккинчисида 9 тоннадан ўғит солинган. Экиш вақтида биринчисида 10, иккинчисида 3 тонна, парвариш даврида биринчисида 18, иккинчисида 12 тонна минерал ўғит ишлатилди.

Ортиқбой Қодиров звеносида иш қалинмади, деб бўлмайди. У ерда ҳам талай ишлар қилинган. Қатор тадбирлар амалга оширилди. Бироқ бу ишлар пухта ўйланган режа асосида бажарилмади. Агротехника талабларига ва муддатларига риоя қилинмади. Бошқача қилиб айтганда Ортиқбой звеносида Икромали звеносидаги сингари вақтни иқтисод қилиш учун, ундан унумли фойдаланиш учун астойдил курашилмаган.

Мана шуларнинг оқибатида қилинган ишларнинг таъсир кучи кўнгилдагидек бўлмаган.

ДЕҲҚОН ФУРСАТНИ БОЙ БЕРСА...

ОРТИҚБОЙ Қодиров Дзержинский номли колхозда уч йилдан бери звено бошлиғи бўлиб ишлайди. 1966 йилда шу звенода 48 гектар ерга 47—27 навли чигит экилиб, гектаридан 26 центнердан ҳосил олинган эди. Ўтган йили эса 153 навли чигит экилди. Эҳтимол звено бошлиғи бу нав пахта етиштириш бизнинг ер шароитимизга тўғри келмади, деб айтар.

Бу гап ҳам унчалик тўғри келмайди. Чунки колхозда асосан шу нав чигит экилди. Ҳар гектар ердан пландаги 19,7 ўрнига 21,6 центнердан хирмон кўтарилди. Ортиқбой звеносидан бир карта наридаги Аҳмадали Тўхтаматов бошлиқ звенода ҳосилдорлик 24 центнерга етди.

Яқинда Дзержинский номли колхозда иқтисодий конференция бўлиб ўтди. Унда кўпгина звеноларнинг ишлари таҳлил қилинди. Ортиқбой Қодиров бошлиқ звенонинг ишлари қониқарсиз эканлиги, уларнинг нега шу аҳволга тушиб қолганликлари ҳаққоний равишда танқид қилинди. Чунончи бу звенода ғўзани суғориш тартиб-қоидаларига риоя қилинмаган. Ғўзалар ҳафталаб сувга бостириб қўйилган. Натижада ўсимлик саргайиб кетган, ҳосил олиши кечиккан.

Маълумки, 153 навли чигит кечроқ пишади. Бунинг устида чигит экиш, кўндалангига қирқиш, озиқлантириш, ва суғориш каби тадбирлар кеч ва узоққа чўзиб амалга оширилганидан пахтанинг пишиб етилиш муддати ҳам, орқага сурилди, ғўза кечикиб дефолиация қилинган. Хуллас бу звено ишининг қайси томонига қараманг, энг қиммат-ли вақтларини қўлдан бой берилганини кўрасиз. Натижада ҳосилдорлик пландагидан 2,4 центнер камайиб кетган.

Ортиқбой Қодиров бошлиқ звенода ишнинг қониқарсизлигига меҳнат интизомининг бўшашиб кетганлиги ҳам катта сабаб бўлди.

Звенода тахтача усули жорий этилган бўлса ҳам, унинг моҳияти, аҳамияти, ҳақ тўлаш тартиблари колхозчиларга яхши тушунтирилмаган. Улар эскича ҳақ олаберар эканмиз деб ўйлашган. Колхозчилардаги шундай иотўғри тушунча натижасида интизом бузилган. Звенонинг ери қишлоқнинг ёнгинасида, Икромали звеносидаги сингари 8 километр узоқликда бўлмаса ҳам, бу ерда ишга кеч келиш, ишдан эрта қайтиш расм бўлиб қолган. Англашилмовчилик натижасида пайдо бўлган бундай аҳвол звенонинг икки оёқлаб оқсашига сабаб бўлди.

Бу икки звенонинг иши билан танишган киши шундай хулосага келади: қаерда интизом мустаҳкам бўлса, бир-бирига нисбатан ишонч, иззат-ҳурмат, эътибор баланд бўлса, ишга чиқакам муҳаббат ва ихлос қўйилса, ўша ерда ғалабага эришилади. Вақт тежалди, пахта етиштириш муддати қисқаради. Ҳосил эрта пишиб, пахта барвақт саранжомланади. Аммо интизом бўшашиб кетган ерда эса аксинча бўлиши, мусобақада юқазиб қўйиши мумкин.

Яна шуни ҳам айтиб ўтиш муҳимки, областимизда звено усулига чинакамига риоя қилинаётган, ер шароитининг мезони — тахтача қоқиб ерни бўлиб бериш тўғри амалга оширилаётган хўжаликларда ҳосилдорлик ошмоқда, пахта барвақт пишиб етилмоқда, деҳқонлар, механизаторлар катта даромад олмоқдалар. Буни областимизда йиллик пахта тайёрлаш планининг кейинги йилларда сурункасига эрта муддатларда бажарилаётганлиги мисолида айниқса ёрқин кўриш мумкин.

Биз ўйлаймизки, Икромали Сидиқалиев звеноси сингари юқори ҳосилли звенолар ҳар бир хўжаликда ҳам кўп. Шу билан бирга уларда Ортиқ Қодиров звеноси сингари колхоз ёки совхоз даражасидан анча кам ҳосил олаётган, бунинг натижасида ўз хўжалигини маълум даражада орқага тортиб турган звенолар ҳам йўқ эмас. Агар шундай звеноларда ҳам ҳосилдорлик колхози, совхозидаги ўртача миқдордан кўтарилса, пахтанинг ялпи ҳосили кўпаяди. Бу шу соҳадаги муҳим резервимиздир.

Шу кунларда колхоз, совхозларда ўтган йили кимнинг қандай ишлаганлигини режалаб кўриш, ютуқлар, йўл қўйилган камчиликларни ўртага ташлаб муҳокама қилиш, ютуқларни мустаҳкамлаш, камчиликларни тугатиш учун нималар қилиш лозимлигини келишиб олиш жуда муҳим вазифалардандир. Агар колхоз, совхозларимизда қолоқ звенолар, бўлимлар илғорлар даражасига кўтарилса, яъни ҳамма бир хил юқори натижага эришиш учун курашса, янги, илғор усуллар дадил ва изчиллик билан амалга оширилса, пахтачилик соҳасидаги муваффақиятимиз бундан ҳам кўпроқ ва қувончли бўлади, деҳқонларимизнинг турмуши фаровон, даромад эса йил сайин ошаверади.

Пилимиз якунлари ҳисобкитоб қилинаётган иқтисодий конференцияларда ва ҳисобот-сайлов йиғилишларида бўларга амал қилиш керак.

Б. ХАЛИЛОВ.

«Тошкент ҳақиқати» мухбири.

ЙИЛИМИЗ ЯКУНЛАРИ ҲАҚИДА МУЛОҲАЗАЛАР

КПСС ДЕЛЕГАЦИЯСИ ҲИНДИСТОН КОММУНИСТЛАРИ СЪЕЗДИГА ЖЎНАБ КЕТДИ

КПСС Марказий Комитети Сиёсий Бюросининг аъзоси А. Я. Пельше бошчилигидаги КПСС делегацияси Ҳиндистон Коммунистик партияси VIII миллий съездининг ишида қатнашмоқ учун 4 февралда Москвадан Деҳлига учиб кетди. Делегация составида КПСС Марказий Комитетининг аъзоси, Қиргизистон Коммунистик партияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Т. Усубалиев, КПСС Марказий Комитетининг аъзоси, КПСС Омск область комитетининг биринчи секретари С. И. Манякин, КПСС Марказий Комитети халқаро бўлими секторининг мудири П. В. Куцобин бор.

А. П. Кириленко, П. Н. Демичев, И. В. Капитонов, М. С. Соломенцев, КПСС Марказий Комитетининг аъзоси К. Н. Гришин, КПСС Марказий Комитети халқаро бўлими мудирининг биринчи ўринбосари А. С. Беляков Шереметьево аэродромида КПСС делегациясини кузатиб қолишди.

СТАЛИНГРАД-ЛИКЛАРНИНГ СЎНМАС ЖАСОРАТИ

ВОЛГОГРАД, 2 февраль. (ТАСС МУХБИРИ). Волгоград шаҳри ва области меҳнаткашлари бугун М. Горький номли драма театрида немис-фашист қўшинлари Сталинград остоналарида тор-мор қилинган кунинг 25 йиллигига бағишланган тантанали йиғилиш ўтказдилар. Бу йиғилишда Совет армиясининг вакиллари қатнашдилар. Залда партия, совет ва жамоат ташкилотлари, шаҳар меҳнаткашларининг вакиллари, Сталинград жанги қатнашчилари, шу жумладан донги кетган саркардалар, Совет Иттифоқи қаҳрамонлари, Совет армиясининг жангчилари, қаҳрамон шаҳарлар—Москва, Ленинград, Киев, Севастополь, Одесса, қаҳрамон Брест қалъаси, шунингдек Минск, Саратов ва Ростов областлари, Қалмоқ АССР делегациялари бор эди.

КПСС Волгоград область комитетининг биринчи секретари Л. С. Куличенко Сталинград остоналарида немис-фашист қўшинлари тор-мор қилинганлигининг 25 йиллиги тўғрисида доклад қилди.

Шундан кейин Сталинград фронтининг собиқ қўмондони Совет Иттифоқи маршали А. И. Еременко, тилларда достон бўлиб қолган 62-армиянинг собиқ қўмондони, Совет Иттифоқи маршали В. И. Чуйков, Сталинград жанги вақтида 64-армияга қўмондонлик қилган генерал-полковник М. С. Шумилов, армия генералларидан Д. Д. Лелюшенко, П. И. Батов ва бошқалар сўзга чиқдилар.

КПСС Марказий Комитети, СССР Олий Совети Президиуми ва СССР Министрлар Советига ғоят баланд руҳ билан табрикнома қабул қилинди.



Суратларда: (юқорида) Ленин номли колхознинг звено бошлиғи И. Сидиқалиев (ўнгда), звено аъзоси М. Мирзақулов, С. Раҳмонов ўртоқлар далада қилинган ишлар ҳақида суҳбатлашмоқдалар.

Пастдаги суратда шу колхознинг бульдозерчиларидан А. Хатамов, Қ. Тошпўлатов, Г. Алимов, А. Мирзаев ва бошқа ўртоқлар тепаликларни текислаб, экин майдонларига айлантираётирлар.

А. Абалян фотолари.

ПАРТИЯ ТАШКИЛОТИ ВА ЁШ КОММУНИСТЛАР

Партком секретари трактор паркига бурилди. Бу ерда меҳнат авжига минган. Тракторчи йигитларнинг ҳазил-мутойбалари эшитилади. Секретарь ремонтчилар билан «ҳорма-бор бўл» қилишгач, бир чеккада ҳайдов тракторининг қандайдир қисмини кўздан кечираётган ёшгина йигитнинг олдига борди.

— Ҳорма Мирҳмад!

Тракторчи йигит ишдан кўз узиб парторгга юзланди.

— Саломат бўлинг. Умрзоқ ака, — деди у мойли қўлининг орқаси билан пешонасидаги терларни сидириб ташлаб.

— Ғайратинг чакки эмас, — деди парторг — агар шу ғайратинг билан ишлаб турсанг ремонтни эрта-индин тугатасан.

Универсал моторини қайтадан ўрнатаётган Бердиқул суҳбатга аралашиб, деди:

— Мирҳмаднинг тилаги шу бугуноқ тракторни қўлдан чиқариш, — деди.

— Шундаймн? — партком секретари кулиб қўйди, —мен бўлсам муддатни жуда узоқ бериб юборибман-ку!...

Оржоникидзе районидаги «Октябрь» колхозида коммунистлар, айниқса, ёш коммунистлар билан ишлаш яхши йўлга қўйилган. Колхоз партия ташкилотининг секретари Умрзоқ Тўлаганов коммунистлар билан яхши муомалада бўлиб улар билан самимий суҳбатлар ўтказади.

— 1964 йилнинг сентябрь ойида партия ташкилоти секретарлигига сайландим, — дейди У. Тўлаганов. — Ўшанда партия ҳисобида 56 коммунист бор эди. Шундан 10 нафарини партия аъзолигига кандидатлар ташкил этар эди. Маълумки, ёш коммунистлар билан ишлаш яхши йўлга қўйилган жойда ҳар соҳада катта муваффақиятларга эришиш мумкин. Биз дастлабки кундан бошлабоқ ёш коммунистларни партия ва халқ ишига садоқат руҳида тарбиялашга эътиборни кучайтирдик.

Бу ерда 7 та бошланғич партия ташкилоти бор. Ҳар бир ташкилотга кўп йиллик тажрибага эга бўлган, кекса коммунистлар биркитилган. Ёш коммунистлар тарбияси устидан назорат қилиб туриш учун партия ташкилоти қошида алоҳида Совет тузилди. Тажрибали коммунист Саттор Узенбоев ташкилотлар ишини назорат қилиб туради.

ПАРТИЯ ТУРМУШИ

Ёшларни олижаноб, софдил, хушмуомалали, меҳнатсевар кишилар қилиб тарбиялашда кекса коммунистлар айниқса жон куйдиришяпти. Айниқса, Маъруфхўжа Қорахўжаев, Ҳайитбой Ғоипов, Ли Хва Рин ва Жилабой ота Сенкибоевлар биркитилган участка партия ташкилотларида ёш коммунистлар билан ишлаш намунали йўлга қўйилган.

— Ҳалқимизда кўча хандон, уй зиндон деган нақл бор, — дейди 80 ёшларга борган Жилибой ота Сенкибоев, — баъзи ёшларимиз ташқарида қувноқ бўлиб юришади. Уйда эса бунинг аксини қилишади. Қилдан қийиқ ахтариб, жанжал чиқаришади, ширин турмушини заҳарга айлантиришади. Коммунист деган шарафли номга эга бўлган ҳар бир ёш уйда ҳам, кўчада ҳам бирдай—хушмуомалали, одамшаванда бўлиши лозим. Биз ёшларни ана шу руҳда тарбиялаяпмиз.

Ақл билан фикр юритиб, меҳнат қилиш, кишилар орасида яхши муомалада бўлиш, юксак марралар сари интилиш — коммунистнинг муқаддас бурчидир. Кекса, катта ҳаёт тажрибасига эга бўлган коммунистлар қўлида тарбия топаётган ёшлар чиндан ҳам бу соҳада ўзларини кўрсатишмоқда. Масалан, КПСС аъзолигига кандидат Олтинбек Махаев бошлиқ комплекс механизациялашган звено сабзавоткорлари ўтган йили 32 гектар майдонга турли сабзавот экинлари экишди. Олтинбек бошлиқ ёшлар ғайрат кўрсатиб ишлаб, улкан марралар сари интилишди. Экин қатор оралари ни ишлаш, бегона ўтлардан тозалаш ишларини техникада ёш коммунист Олтинбек Махаевнинг ўзи бажарди.

Звено аъзолари бир-бирини жуда ҳам ҳурматлашади. Сабзавоткорлардаги меҳнатсеварлик, бир-бирига бўлган иззат-ҳурмат, хушмуомалалик ва тиниб-тинчимаслик каби ижобий ҳислатлар яхши самара берди. Звенода ҳар гектар ердан ўртача 20 тоннадан ҳосил етиштирилиб, йиллик план муддатидан илгари ошириб бажарилди.

Ёш коммунист Мирҳмад Ахмедов звеноси ҳам ҳосилдорликни оширишда Олтинбек Махаев бошлиқ звенодан ортда қолмади. Мирҳмад 2 гектар картошканинг ҳар гектаридан 26 тоннага етказиб ҳосил теріб олди.

Шунингдек, тракторчи Бердиқул Сотиболдиев, боғча тарбиячиси Мария Дмитерколар каби турли касбларда ишлаётган ёш коммунистлар ҳам кекса, тажрибали устозларининг юзини ерга қаратишмаяпти. Уларининг меҳнатсеварликлари, хушмуомалаликлари билан бошқаларга ўрнак бўлишяпти.

— Бултур 5 кишини партия аъзолигига қабул қилдик, — дейди парторг, — булар орасида тракторчи Мўминжон Бекбуров, шофер Йўлдош Мирҳмедов ва бошқалар бор. Улар ҳам ҳаёт мактабида озми-кўпми тажриба орттиришди. Ҳозирги кунда ўзларининг харакатчанликлари билан бошқаларга ибрат бўлишяпти.

Колхоз партия ташкилоти ҳисобида 83 аъзо бор. Шулардан 4 киши КПСС аъзолигига кандидатдир. Коммунистларнинг деярли ярмидан ортиғини ёш коммунистлар ташкил этади.

— Чуқур томир ёйган дарахт яхши ўсади, — дейди Умрзоқ Тўлаганов, — ёш коммунистлар тарбияси ҳам партия ишимизда теран томир ҳисобланади. Бу томир орқали озуқланган ёшларимиз меҳнатда, маданий ҳаётда инсоний одат ва муомалада доимо бошқаларга ўрнак бўлади.

С. МИРЗААЛИЕВ.

2-Киев қурилиш-монтаж поездининг азамат қурувчилари пойтахтимиз аҳолисини янги-янги кўркам турар-жойлар билан хушнуд этишяпти. Суратда: прораб Михаил Волошин (чапда) участка бошлиғи Борис Ровинский ва прораб Анатолий Паламарчук ўртоқлар янги мактаб биноси қурилиши ҳақида суҳбатлашмоқдалар.

Р. Шамсуддинов фотоси. (ЎзТАГ).

МАДАНИЯТ ХРОНИКАСИ

Улуғ мутафаккир шоир Алишер Навоийнинг 525 йиллик юбилейига жойларда катта тайёргарлик кўрилмоқда.

Пойтахтнинг Октябрь районида ҳам бу санага тараддуд катта. Район халқ маорифи бўлими ва методика кабинети она тили ҳамда адабиёт ўқитувчиларининг Навоий ижодини ўрганишга бағишланган «педагогик ўқиш»ларини ташкил этди.

Яқинда «Педагогик ўқишлар»нинг навбатдаги машғулоти бўлди. 92-мактабда ўтказилган бу йиғилишга кўпгина адабиётшунос олимлар ва ўқитувчилар иштирок этдилар. Унда 169-мактаб тил ва адабиёт ўқитувчиси А. Ҳасанова, 119- мактабнинг ўқитувчиси Х. Ибодов, 1- мактабнинг ўқитувчиси З. Баҳодировлар шоир ҳаёти ва ижоди ҳақида мазмунли доклад қилдилар.

Ҳ. ЙЎЛДОШЕВ.

Область ўқитувчилар малакасини ошириш институти ташаббуси билан Тошкент Давлат педагогика институтида жамиятшунослик фани ўқитувчиларининг семинари бўлиб ўтди. Семинар қатнашчилари кўпгина қизиқарли лекциялар тингладилар. Профессор Д. Юсуповнинг «Коммунизм қурилишида КПССнинг роли», олим У. Умаровнинг «Социализмда меҳнат ва тақсимот» ва доцент Р. Норжигитовнинг «Коммунизм қурилишида миллатларнинг тараққиёти» деган темадаги лекциялари кўпчиликка манзур бўлди.

Шунингдек, семинарда жамиятшунослик фани ўқитувчилари ҳам сўзга чиқдилар. Лектор Е. Блокнинг халқаро аҳвол ҳақидаги лекцияси эътибор билан тингланди.

Э. ИСҲОҚОВ.

Фарғона шаҳрида медицина билимларини пропаганда қилувчи халқ университетлари лекторлари Тошкентда тўпландилар. Республика соғлиқни сақлаш министрлиги ва Узбекистон «Билим» жамияти томонидан ташкил этилган бу йиғилишда саломатлик ва гигиена масалалари юзасидан фикр алмашилди.

Йиғилиш қатнашчилари Тошкент область санитария маорифи уйи ва Оҳангарон шаҳар санитария маорифи уйи ишларига ижобий баҳо бердилар. Мазкур уйларнинг бош врачлари Узбекистон ССР Соғлиқни сақлаш министрлигининг Ёрлиқлари билан тақдирландилар.

Ю. АХРОРОВ.

Ўқувчиларга пухта билим беришда синфдан ташқари ишлар муҳим ўрин тутади. Шунинг учун ҳам Тошкентдаги 12- мактаб педагогик коллективи бу масалага алоҳида аҳамият бермоқда.

Бу ерда амалга оширилаётган тарбиявий соатлар яхши натижалар бермоқда. Ана шу соатларда синф раҳбарлари кун тартибига қўйилган масалаларни атрофлича муҳокама қиладилар. Биринчи синфда ўтказилган «Алифбе байрами», шунингдек «Лениндек ўқиймиз», «Гўзал Тошкентим», «Китоб — менинг дўстим» каби темаларга бағишланган тарбиявий соатлар мазмунли ўтди.

С. СУЛТОНОВ.

Ғафур Ғулом номидаги бадиий адабиёт нашриёти ўз китобхонларига яна бир нечта янги адабиётларни тақдим этди. «Адабиётимизнинг ярим асри» номли китоб шулар жумласидандир. Китобда ўзбек совет адабиётининг ярим аср ичида эришган ютуқлари, тўплаган тажрибалари илмий йўсинда таҳлил қилиб берилган.

Шунингдек, кекса шоир Ҳабибийнинг «Танланган асарлар»и ҳам босмадан чиқди.

Н. ЖУРАБОЕВ.

Ўрта Чирчиқ районидаги Садриддин Айний номли мактаб ўқувчилари яхши совға олдилар. Бу ерда қад кўтарган янги мактаб биноси шу билим ўчоғи ўқувчилари ихтиёрига берилди.

Янги мактабда физика, химия, тарих ва бошқа фанлар кабинетлари, ёруғ спорт зали ва клуб бор.

И. ХАТАМОВ.

Каттагина майдонни эгаллаган бу теплица комбинати Қўйлиқ посёлкасида қуриб битказилди. Бу ерда помидор, бодринг ва бошқа хил сабзавот ва резавор маҳсулотлари етиштирилади. Бу йил теплица комбинатида 150 тонна маҳсулот етиштириш кўзда тутилмоқда. Теплица хўжалиги Тошкент область боғ-узумчилик ва сабзавотчилик совхозлари трестига қарашлидир. Суратда: теплица комбинатнинг умумий кўриниши акс этган.

И. Глауберзон ва В. Сироткин фотоси.

КОРХОНА ЗАРБДОРИ

Улуғ Ватан урушидан қайтиб келганда 25 ёшда эди. Эгнидаги ҳарбий формани ечишга ҳам улгурмай пойтахтимиздаги қишлоқ хўжалиги машинасозлиги заводига ишга кирди. Ўша кезларда корхонада малакали ишчилар етишмас, урушдан аввал ҳам электр пайвандчи бўлиб ишлаган Петро Захаровни жон деб олишганди.

Дастлабки кунданоқ у:

— Мени машина рамасини пайвандлашга ўтказсангиз, тўғри, тажрибам оз, аммо унча-мунча биламан,— деб илтимос қилди. Уни 6-цехга ўтказишди. Шу куни иши юришмади, топшириқнинг ярмини ҳам уддалай олмади. Билмаганларини сўраб ўрганди, ўз устида тинимсиз ишлади. Вертикал ва горизонтал чокларни қандай қўйганда пайвандчининг сифатли чиқишини билиб олди.

Унга биринчи далда берган ҳамкасби тажрибали пайвандчи Захарченко бўлди. У Петронинг ишини диққат билан кузатиб турган эди.

—Чаққонсан-ку пайвандинг меникидан қолишмайди, —деди севинчидан. У ҳамкасбларининг ёрдами ва ўз устида кўп ишлаши натижасида маҳоратини ошира борди.

Мана, 18 йилдан буён Захаров ўз севган касбида сидқидилдан ишлаб келмоқда. Унинг нормани 1,5—2 баравар ошириб бажармаётган бирон иш куни йўқ десак, муболаға бўлмайди.

Одатда цехда тайёрланган маҳсулот контролер кўригидан ўтмагунча буюртмачиларга юборилмайди. Энг уста пайвандчиларга эса юлдуз шаклидаги тамға берилади. Захаровга ҳам ана шундай тамға берилган. У ўзи тайёрлаган маҳсулотга ўзи тамға босади.

Шуни ҳам айтиб ўтайликки, моҳир электр пайвандчи ҳозир цех бошланғич партия ташкилотининг секретари ҳамдир. У фақатгина ўзи пешқадам бўлиш билан кифояланмай, цехда илғорлар сафини ўстириш, малакали шогирдлар тайёрлашда ҳам ибратли ишлар қилмоқда. Уни ёш пайвандчиларга жон куйдириб ўргатаётган пайтида учратдик.

— Детални пайвандлаётганингизда, — деб ўқитирарди шогирдларига, — эҳтиёт бўлиш керак. Пайванд таёқчасини кўзингизга яқин келтирманг. Кўзингиз жимирлашиб, пайвандингиз сифатсиз чиқади.

Беш йилликнинг учинчи йили топшириғини барвақт бажариш ташаббусига қўшилган ўртоқ П. Захаров коммунистик меҳнат зарбдори номига яраша самарали меҳнат қилмоқда. Шунинг учун ҳам унинг сурати доимо корхона «Ҳурмат тахта»сида.

А. ИНОҚОВ.



«Қизил тонг» фирмасининг 4-цехида Роза опа Йўлдошевани ҳамма ҳурмат қилади. Чунки пешқадам ишчи ойлик топшириқларини доимо ошириб бажармоқда.

Р. Отажонов фотоси.

ТОШКЕНТ ТРАКТОРИ

ЗАВОДДАН РЕПОРТАЖ

МАЪМУРИЙ бинонинг тўртинчи қаватидаги каттагина хонада пахтачилик бўйича махсус конструкторлик бюроси жойлашган. Қаторма-қатор қўйилган чертёж столлари устидаги сарғиш ватман қоғозларига ҳовлига қараган деразалардан қуёш нури тушиб турибди. Шкафлар устида ҳам даста-даста ўроғлиқ қоғозлар кўзга ташланади. Тракторнинг дастлабки эскизлари мана шуларга туширилган.

Янгиликнинг туғилиши жуда ҳам қийин бўлади. Кишини ойлаб, йиллаб ўйлашга мажбур қилади. Бу хона сермашаққат кунларга, туғилган янгиликларга кўп марта гувоҳ бўлган. Ҳозир ҳам ижодкорлар ватман қоғозлари устига мук тушишган. Папирос чекишга ҳам вақтлари йўқ. Тезроқ биринчи Тошкент тракторини яратиш йўлида эртаю-кеч ишлашганиишлашган.

— Шу кунгача деҳқонларимиз Владимир заводида тайёрланиб Ўзбекистон трактор йиғув заводида оёққа турғазилган агрегатлардан фойдаланиб келишаяпти, — дейди конструкторлик бюро бошлиғининг тракторлар бўйича ўринбосари Р. Яровинский. — Маълумки Владимир заводи тракторининг қуввати 40 от кучига тенг. «ХТ-1,2» пахта теріш машинаси мана шу агрегатга осилган. Эндиликда конструкторлар деҳқонларга тўрт қаторли «Ўзбекистон» пахта теріш машинасини тақдим этдилар. Лекин 40 от кучига эга бўлган трактор тўрт қатордаги ҳосилни йиғиб беришга қуввати етмаяпти. Бундан ташқари Владимир тракторини бошқариш анча мураккаб. Шуни ҳисобга олган ҳолда Владимир тракторн асосида янгиланган Тошкент тракторини яратишга киришдик.

«Ташавтомаш» заводи ўзининг трактор прицеплари ва автомобиль ярим прицеплари билан ҳозир донг таратган. Корхона цехларида йиғилаётган бу хилдаги прицеплар пахтани қоп-қанорсиз ташишда деҳқонларимиз юкини енгиллаштираяпти. Пахтачилик ривожланган сари корхона қуввати ҳам ошиб, территорияси ҳам кенгайиб бормоқда. Тошкент тракторини ишлаб чиқариш мана шу завод коллективи зиммасига юклатилган. Шу кеча-кундузда завод территориясида катта қурилиш ишлари олиб борилаяпти. Қорасувнинг сўл қирғоғида қад кўтарган катта корпус трактор ишлаб чиқаришга ихтисослашаяпти. Бу ерга ҳадемай тайёрлов, темирчилик, автомат, пресслаш, механика-йиғув цехлари, бош йиғув конвейери ва яна бир қатор ишлаб чиқариш участкалари жойлашади.

Ревалд Борисович Яровинский бизга бир альбомни кўрсатди. Унда Тошкент трактори эскизлари чизилган рангли расмлар, тракторнинг иш ҳолатини тасвирловчи чизмалар мужассамланган. Трактор копотининг сўл томонига «Тошкент» сўзи ёзиб қўйилган. Тракторчи ўтирадиган кабина гоятда шинам. Олд ойнаси шундай ишланганки, қуёш нури тракторчининг кўзига тушмайди. Кабинанинг орқароқ томонига эса вентиляцион қурилма ўрнатилган. Иссиқ кунлари шу вентиляция кабина ҳавасини мўътадил сақлаб туради. Янги тракторни ҳайдайдиган тракторчи мотор шовқинидан ҳам ҳоли бўлади.

— Биз аввало тракторчи учун намунали иш шароити яратиб беришни ўйлаганмиз, — дейди техника эстетикаси бўйича конструкторлик бюроси бошлиғи А. Фролов. — Тошкент тракторининг кабинаси енгил автомашиналар кабинасидан қолишмайди. Ўтирадиган ўриндиқлар юмшоқ материалдан тайёрланади. Ўриндиқларни ясаш бўйича ҳозир Горький автозаводидан келган инженерлар бош қотиришяпти. Шунингдек, ҳаракат хавфсизлигини таъминлайдиган, бошқаришни енгиллатадиган яна бир қатор тадбирлар ишлаб чиқилаяпти.

Дарвоқе Тошкент тракторини яратишда биргина ўз мутахассисларимиз эмас, Иттифоқимизнинг бошқа шаҳарларидан келган тажрибали инженер ва конструкторлар ҳам ўз муносиб ҳиссаларини қўшяптилар. Владимир заводидан электр ускуналари бўйича инженер В. Коган, А. Андрянова, Липецкий заводидан Р. Яровинский, В. Шаропов, Э Шаропова, А. Фролов таклиф қилинганлар. Горький автомобиль заводидан ҳам бир группа инженер ва техниклар келишган. Мутахассислар бир ёқадан бош чиқариб, ҳар томонлама замонавий трактор яратиш иштиёқида зўр ғайрат кўрсатиб меҳнат қилишяпти.

Тошкент тракторига ҳаво совутиб турадиган 50 от кучли двигатель ўрнатилади. Тезлатгич узеллар монтаж қилинади. Бўлиш-агрегат системаси сеялка, культиватор ва тўрт қаторли пахта теріш машинаси қисмларини тракторга тез ва енгил ўрнатиш имконини беради. Орқа ўқнинг кенглиги ҳамда тез юришга мослашганлиги ундан пахта теріш, культивация қилиш, ковш ўрнатиб ариқ кавлаш, юк ташиш ишларида бемалол фойдаланиш имконини беради.

Шу йилнинг ўрталарига бориб завод янги тракторнинг олдинги ўқи ва бошқарув системасини ишлаб чиқаришга киришади. Иккинчи навбатда эса, яъни 1969 йилдан бошлаб гидрокучайтиргич ва бошқа узеллар тайёрланади. 1970 йилдан бошлаб Тошкент тракторининг барча қисмлари «Ташавтомаш» заводида тўла тайёрланиб, шу ернинг ўзида йиғилади. Бу билан Владимир заводидан Ўзбекистон трактор-йиғув заводига узелларни ташиб келтириш учун сарф бўладиган транспорт харажатлари фойда сифатида ёнга қолади.

Трактор ишлаб чиқариш йўлга қўйилгач, корхона коллективининг сони ҳам салкам икки баробарга кўпаяди. Шу кунларданоқ заводда кадрлар тайёрлаш ва мутахассис ишчилар малакасини ошириш ишлари бошлаб юборилди.

— Бизда кадрлар тайёрловчи доимий курс ишлаб турибди,—дейди кадрлар тайёрлаш бўйича старший инженер М. Ковалев.—Юбилей йилида 284 ёш йигит ва қиз токар, фрезерчи, металл ишловчи, пармаловчи бўлиб олишди. Уларга биринчи разряд берилиб цехларга тақсимланди. Бундан ташқари кадрлар малакасини ошириш курсида 580 киши янги техника сирларини ўрганди. Улар орасида 29 пайвандчи, 13 контролёр, 26 токарь ва бошқа касб вакиллари бор. Инженер-техник ходимлардан 45 киши эса планлаштиришнинг ва иқтисодий рағбатлантиришнинг янги системасига ўтиб ишлашга тайёргарлик кўрди. Ўтган йилнинг май ойидан бошлаб биз шу система бўйича меҳнат қилаяпмиз.

Кадрлар тайёрлаш ва тарбиялаш иши билан заводда барча шуғулланади. 5-цех бошлиғи Н. Приходько, таъминот бўлими бошлиғининг ўринбосари А. Бобоев, партия ташкилотининг секретари В. Марков ва бошқа ўртоқлар машғулотларда қатнашиб, ўз инженерлик билим ва тажрибаларини ёшларга ўргатишаяпти. Бу йил кадрлар тайёрлаш ва малака ошириш курсларида 803 киши ўқийди. Машғулотлар олиб борилаётган техника кабинети ўқув қуроллари билан тўла жиҳозланган. Бу ерда ҳар бир ишчи ўз соҳаси учун керакли бўлган адабиётни топа олади.

Тошкент маркази босилган бақувват ва кўркам тракторлар ҳа демай далага чиқади. Республикамиз корхоналарида тайёрланаётган агрегатлар ёнига яна бир агрегат келиб қўшилади. Бундан биз фахрлансак, ўлкамиз экономикаси юксалаётганлигидан ғурурлансак арзийди.

Ж. НОСИРОВ, Б. ПЎЛАТОВ.

РЕМОНТЧИЛАР

Октябрь революцияси номидаги тепловоз-вагон ремонти заводининг коллективи беш йилликнинг учинчи йилини зафар билан бошлашди. Январь ойи топшириғи муддатидан илгари бажарилди. Социалистик мусобақани тобора кучайтира борибб, белгиланган 18 та ТЭ-3 ва 12 та ЧМЭ-2 тепловозларини сифатли ремонтдан чиқардилар ва фойдаланишга топширидилар. Январь ойи охиригача қўшимча 3 та ЧМЭ-2 ва 5 та ТЭ-3 тепловозларини ҳам сифатли қўлдан чиқаришга астойдил киришилди.

Корхонада доҳиймиз В. И. Ленин туғилган кунининг 100 йиллигини муносиб кутиб олиш учун кураш ҳаракати ҳозирданоқ қувончли натижалар беряпти. О. Муҳамедов, О. Маллаев, Ҳ. Қосимов, Н. Абдуллаев синфари ўнлаб пешқадам слесарларнинг корхона ютуғига қўшаётган ҳиссалари айниқса баракали бўлаётир.

Аҳдига вафодорлар февраль ойи топшириғини ҳам барвақт адо этиш учун бутун куч-ғайратларини сафарбар қилмоқдалар.

У. МУҲАМЕДОВ.



Янгийўл районидаги Свердлов номли колхозда кўклам экиш кампаниясига тайёргарлик қизғин. Механизаторлар ғайрат кўрсатишиб, экиш агрегатларини тезда тайёрлаб қўйиш учун ҳаракат қилишмоқда. Суратда: (ўнгдан) колхознинг бош инженери М. Сандумароп ва механик Н. Қораев ўртоқлар ремонтдан чиқариб қўйилган техникани кўздан кечираётирлар.

Қ. Розиқов фотоси. (ЎзТАГ).

КОЛХОЗЛАРДА ХИСОБОТ-САЙЛОВ ЙИРИЛИШЛАРИ

МЎЛ ДАРОМАД СИРЛАРИ

Бундан беш-олти йил аввал Оржоникидзе номли колхоз ҳақида гап борганда «ўртача хўжалик», «даромадининг мазаси йўқ», дейишарди. Энди-чи? Хўжалик шуҳрати кўпчиликнинг оғзига тушди. Колхозда 1961 йили бор йўғи 2086 тонна сабзавот, 5,5 тонна пилла етиштирилган, ҳар бир соғин сигирдан 1687 литрдан сут олинган эди. Бу ютуқ ўша вақтда ҳаммани хурсанд қилган, колхозчилар ўз меҳнатлари натижасидан мамнун бўлган эдилар. Орадан кўп вақт ўтгани йўқ. Мана, эндиликда улар ўзларининг ғайрат-шижоатлари ташаббускорликлари нималарга қодир эканини кўриб севинмоқдалар. Юбилей йилида 4 минг тоннадан ортиқ сабзавот маҳсулотлари, 9,5 тонна пилла етиштиришди. Давлатга 3818 тонна сабзавот маҳсулотлари сотиб, бу соҳадаги йиллик планни 150 процент адо этишди. Мевачилик ва узумчилик соҳаларида ҳам силжиш катта. Ҳар бир соғин сигирдан олинган сут эса 2100 литрга етказилди. Шуниси яна ҳам қувончлики, колхоз юбилей йилида асосий тармоқлар бўйича фақат давлат планларинигина эмас, ишлаб чиқариш топшириқларини ҳам ошириб бажарди.

Сабзавот ва чорвачилик маҳсулотлари етиштиришни кўпайтириш билан бирга унинг таннархини камайтиришга астойдил интилмоқдалар. Агар 1961 йили сабзавотнинг бир центнери 12 сўм, гўштники 255 сўм, сутники 19 сўмни ташкил этган бўлса, ҳисобот йилида таннарх кескин камайди. Сабзавот таннархи 7,69 сўмга, гўшт 132 сўмга, сут эса 14,52 сўмга туширилди. Хўжаликнинг Ҳаким Давлатов, Қўчқор Элликов, Мирза Эрмонов, Юғай Фун-бе ва бошқа ўртоқлар бошчилик қилаётган бригадаларида бундан ҳам қувонарли ютуқларга эришилди.

Халол ва баракали меҳнат самараси қўлга киритилган даромадда яққол кўринди. Белгиланганидан 170 минг сўм кўп даромад олингани колхоз аъзоларининг муносиб зафари, албатта. Ҳар кишикунига 5 сўм 24 тийиндан пул тақсим қилинди. Бу Калинин районидаги хўжаликлар бўйича олганда энг яхши кўрсаткич ҳисобланади. Хўжалик ҳисоби асосида ишлаётган Ҳаким Давлатов, Қўчқор Элликов каби ўртоқлар бригадаларида ҳар киши-кунига 6 сўмга яқин пул тақсимланди. Колхозда ҳали шу вақтгача 4 сўмга етказиб пул тақсимланмаганини эътиборга олсак, бу колхоз аъзолари эришган янги марра ҳисобланади. Ўрта ҳисобда ҳар бир механизаторнинг ойлик иш ҳақи 110 сўм, колхозчи маоши эса 90 сўмдан ошди.

Бу ютуқларга қандай эришилди? Ҳисобот доклади қилган колхоз раиси Солижон Жўраев ҳамда музокарада сўзга чиққан участка бошлиғи Ҳ. Баҳодиров, бригада бошлиқлари Ҳ. Давлатов, М. Усмонова, колхозчи У. Ҳакимбеков ва бошқалар шу саволга жавоб беришга интилдилар. **Муваффақиятлар боиси асосан битта: саб-завотчилик ва боғдорчиликда механизация ва звено принципининг дадил жорий этилаётганидир. Тажрибали усулларнинг афзалликлари ҳақида яхши гаплар айтилди. Хўжаликда бу усул биринчи марта жорий этилиб, синовдан яхши ўтди.**

Беш йилликнинг иккинчи йилида эришилган муваффақият сўнгги марра эмас, албатта. Колхозда бундан ҳам каттароқ ютуқни қўлга киритиш учун харакат зўр.

Ҳисобот-сайлов йиғилиши қатнашчилари йўл қўйилаётган камчиликлар тўғрисида ҳам рўйирост гапирдилар. Масалан, Қ. Фатҳуллаев, Т. Исмоилов сингари ўртоқлар раҳбарлик қилаётган бригадаларда ҳосилдорлик анча кам бўлди. Ҳолбуки уларда куч ва имконият етарли эди.

Моддий жиҳатдан тобора бақувват бўлиб бораётган колхозда маданий фаровонлик ҳам юксалаётганини қувонч билан айтиб ўтиш керак. Колхозчиларга янги уйжой қуриб бериш, қишлоқ кўчаларини асфальтлаш, хонадонларни газлаштириш ва бошқа кўпгина ибратли тадбирлар қишлоқларнинг яқин йиллар ичида таниб бўлмас даражада ўзгаришидан далолат бермоқда.

Беш йилликнинг учинчи йилида сабзавоткорлар олдида улкан вазифалар турибди. Бу йил 4 минг 200 тонна сабзавот ва бошқа кўплаб қишлоқ хўжалик ҳамда чорвачилик маҳсулотлари етиштиришни ўз зиммаларига олдилар. Шу кунларда далаларда мўл ҳосилга етарли замин ҳозирланмоқда. Кўчатларни пикировка қилиш, маҳаллий ўғит жамғариш, мевали дарахтларни дорилаш, мавжуд техникани кўкламга тайёрлаш каби ишлар жадал олиб борилмоқда. Бу йил ҳам прогрессив усулларга кенг эътибор берилади. Колхозчиларнинг моддий манфаатдорлигини ошириш юзасидан қатор тадбирлар кўрилади. Ҳисобот йиғилишида шулар ҳақида батафсил ва атрофлича фикрлашиб олинди.

Хўжалик аъзолари янгича руҳ, янги ғайрат-шижоат билан беш йилликнинг учинчи йили топшириқларини адо этишга отландилар. Уларнинг бу йўлда янада қувончли натижаларга эришишида муваффақият тилаймиз.

Ҳ. ИКРОМОВ.

ПРОЗАДА КОММУНИСТ ОБРАЗИ

Совет халқининг коммунизм ғалабаси учун курашда раҳбар ва ташкилотчи кучи бўлган коммунистлар, партия кишиси, умуман партия раҳбар ходимлари характерини яратиш — совет адабиётининг марказий проблемаларидан бири ҳисобланади.

Ўзбек совет адабиёти тараққиётининг хилма-хил даврларида коммунистлар, раҳбар партия ходимлари образларини яратишга жиддий эътибор берилди ва маълум ютуқларга эришилди. А. Қодирийнинг «Обид кетмон»идаги Берди, Яшин билан А. Умарийнинг «Ҳамза»сидаги Ҳамза, К. Яшининг «Тор-мор»идаги Баҳодир, «Номус ва муҳаббат»идаги Пўлатов, Ойбекнинг «Олтин водийдан шабадалар»идаги Ўктам, Уйғуннинг «Навбаҳор»идаги Комилов, А. Қаҳҳорнинг «Қўшчинор чироқлари»даги Ўрмонжон, П. Турсунниннг «Ўқитувчи»сидаги Холмурод ва ҳоказолар бунга далилдир.

Умумсовет адабиётининг ажралмас қисми бўлган ўзбек совет адабиётининг сўнгги йиллардаги тараққиётига назар ташлар эканмиз, унда энг гўзал, энг севимли образ бўлган коммунист образини, партия ходими образини яратишга томон янада жиддий бурилиш бўлганлигини кўрамиз. Бу ҳол айниқса, кейинги йилларда яратилган роман ва повестларда аниқ сезилади.

«Синчалак», «Бўрондан кучли», «Қудратли тўлқин», «Уч илдиз», «Қора кўзлар», «Ларза», «Бир фельетон қиссаси», «Туғилиш», «Давр менинг тақдиримда», «Ихлос», «Тақдир», «Олтин занглама» ва бошқа бир қанча роман, повестларда коммунистлар раҳбар партия ходимлари образлари тасвирланган. «Бўрондан кучли», «Туғилиш», «Уч илдиз» каби романлар халқ оммасининг активлашиш процессини, унинг битмас-туганмас ташаббусини, янги ҳаёт барпо қилишга қодир бўлган ўзгартирувчилик фаолиятини акс эттириш, бу процессда Коммунистик партиянинг раҳбарлик ва ташкилотчилик ролини очиб бериш нуқтаи назаридан характерлидир. Хилма-хил ҳаёт материали асосида яратилган бу асарлар ўзбек адабиётига янги темалар олиб кирди ва унинг тематик доирасини янада бойитди.

Коммунист — ташкилотчи, чин инсоний фазилатларга эга бўлган Ойқизнинг бўрон билан юзма-юз олишувида унга енгилмас куч берган нарса нима эди, деган сўроққа «Бўрондан кучли» романининг ўзидан тўла жавоб топиш мумкин. Ойқизнинг ғолибона ҳаракатида, табиат стихиясига қарши курашда куч бағишлаган нарса — ўзининг халқ ва партия билан чамбарчас боғлиқ эканлигини онгли равишда ҳис қилиб турганлигида эди. Ойқиз ўзининг бутун фаолиятида, барча ҳатти-ҳаракатларида жамоат, халқнинг туб манфаатларини кўзлаб иш тутади. Халқнинг муҳаббат ва ипончига сазовор бўлган Ойқиз ҳаётдаги янгиликни тезда сезиб олади, уни оммалаштириш учун ҳаракат қилади.

П. Қодировнинг «Уч илдиз» романида совет знёлиларининг мураккаб бир шароитда Коммунистик партиянинг ленинча принципларига содиқлик масаласи, догматизмга, кўр-кўрона ва мансабпарастлик касалига мубтало бўлганларга қарши кескин кураш проблемаси кўтарилган.

Коммунистларнинг фаол характини тасвир этишда Ш. Рашидов романида эпикликка жўшқин публицистика йўлдош бўлиб келса, П. Қодиров романида эса эпик тасвир билан вазминлик, мулоҳазакорлик баёни бир-бирларига чатишиб кетади, бу икки хусусият кучли драматизмни вужудга келтиради. Буни коммунист Акбаров образи тасвирида ҳам кўриш мумкин. У партияга содиқ ёшлар қалбида гражданлик ҳис-туйғусини уйғотувчи, мустаҳкамловчи, уларнинг онгида ўзгариш ясовчи фигура. Акбаровнинг Ҳакимов, Эшонбоевга қарши олиб борган кураши драматизм руҳи билан йўғрилган. Унинг ёшларга тинмай гамхўрлик қилиб туришида эса, талабчанлик билан самимийлик бақлиқ туради.

Ёзувчи А. Мухтор ҳам ўзининг «Туғилиш» романида ҳаётий масалаларни кўтарган. Автор янги саноат объектининг вужудга келиши жараёнида янги инсоний муносабатларнинг туғилишини, одамларга ишончда ва оммага раҳбарлик қилишда ленинча принципларнинг қайта тикланиши ва тантана қилишини, ҳаётбахш инсонпарварлик, маънавий софлик ва қаҳрамонликни тасвир этади. Участка бошлиғи коммунист Элчибек Бўриев образи романнинг асосий қаҳрамонларидан бири сифатида талқин қилинади. Унинг Ватанга, халққа, коллективга нисбатан чексиз садоқати образли публицистик йўл билан баён этилади ва унинг меҳнатсеварлиги, ёш бинокорларга ғамхўрлиги, камтарлиги, жиддий вазиятлардаги қалб диалектикаси янги ташбеҳларда кўрсатилади. Қисқаси, ёзувчи романда янги шароитда янги типдаги раҳбарга хос фазилатларни Бўриев тимсолида кўрсатишга интилган. Энг муҳимларидан бири шуки, Бўриев ҳарактери фаол ҳаракатда, ёшлар коллективини уюштириб, олға бошлаб бориш жараёнида Раҳмонқулов билан тўқнашувларда очила боради. Бунда, уларнинг ғоявий позицияси, иш методлари, коллектив кучи, характерларнинг индивидуал жиҳатлари ойдинлашади. Бўриев Раҳмонқулов муҳитига янги мусаффо ҳаво олиб киради ва ниҳоятда сust бораётган, катта-катта ўпирилиш бўлаётган қурилиш ишларида тубдан ўзгариш ясайди. Буни автор қаҳрамон характери ривожини табиий мантиқидан келтириб чиқаради.

Ёзувчи Иброҳим Раҳимнинг «Ихлос», «Тақдир» романларида ҳам социалистик ваҳеликнинг янги қирралари ва партия раҳбар ходимлари, коммунист образлари тасвирланади.

Ёзувчи Иброҳим Раҳимнинг янги романи «Тақдир»да ҳам даврнинг гуманистик руҳи, замондошларимизнинг яратувчилик меҳнати, гўзалликка интилишлари тасвирланган. Бу романда ёзувчи самимий, коммунистик муносабатларини ва янгиликнинг эскилик устидан ғалабасини кўрсатади. Дадашев билан Ягона каби коммунистлар образининг тасвирида автор даврнинг етакчи тенденцияларини, гуманистик пафосини, қаҳрамонликларини, янгиликнинг голибкор кучини кўрсатади ва уларнинг характеридаги ажойиб фазилатларини очиб беради.

Бу қаҳрамонларнинг характер хусусиятларини ифодалашда ёзувчининг қатор жиддий ютуқларини алоҳида таъкидлаган ҳолда, уларни мукаммаллаштиришда имкониятлардан етарли фойдалана олмаганини ҳам кўрсатиш керак.

Романнинг бир моментини эслайлик. Дадашевларга боғлиқ бўлган марказий конфликт бирмунча шиддатли тус олиб боради. У китобхонни қаяжонга солиб, воқеаларни изчил кузатиб, аралашиб боришини таъминлайди. Ҳатто Дадашевдай олижаноб, кучли партия ходими шиддатли ҳужумга учрайди, суриб ташланади. Бу воқеалар тасвири ўқувчида қаҳрамонлар тақдирига қизиқишни кучайтиради. Лекин усталик билан берилган бу конфликтнинг кейинги ривожини автор маҳорат билан давом эттира олмаган. Романнинг иккинчи қисми ўрталарига бормасданоқ конфликт анча сўнгган, хиралашган, фикрлар кураши бўшашиб кетган. Ёзувчи, Дадашевни Марказий Комитетга олиб боради-ю, ҳамма ишни ҳал қилади-қўяди: обком бюросининг аввалги қарорлари бекор бўлади, Ҳазратов ишдан бўшатилади ва ҳоказо.

Демак, конфликт характерларда акс этадиган масъулиятли моментлар келганда, ёзувчи уни янада кескинлаштира олмайди, тўғрироғи, тасвирлаш маҳоратини ишга солмасдан, бошқа томонга олиб қочади, яъни четлаб ўтиб кетади.

Иккинчи бир сўз билан айтганда, автор ана шу масъулиятли моментларда воқеаларни, ситуацияларни ва драматик ҳолатларни бутун мураккаблиги билан очиб бериш ўрнига улар ҳақида ахборотлар бериш йўлига тушиб кетади.

АДАБИЁТШУНОС МИНБАРИ

Ё. Раҳим асарда замондошларимизнинг меҳнатини, қаҳрамонликларини улуғлайди, ички дунёсини, ахлоқини бир-бирларига бўлган самимий, коммунистик муносабатларини ва янгиликнинг эскилик устидан ғалабасини кўрсатади. Дадашев билан Ягона каби коммунистлар образининг тасвирида автор даврнинг етакчи тенденцияларини, гуманистик пафосини, қаҳрамонликларини, янгиликнинг голибкор кучини кўрсатади ва уларнинг характеридаги ажойиб фазилатларини очиб беради.

Бу қаҳрамонларнинг характер хусусиятларини ифодалашда ёзувчининг қатор жиддий ютуқларини алоҳида таъкидлаган ҳолда, уларни мукаммаллаштиришда имкониятлардан етарли фойдалана олмаганини ҳам кўрсатиш керак.

Романнинг бир моментини эслайлик. Дадашевларга боғлиқ бўлган марказий конфликт бирмунча шиддатли тус олиб боради. У китобхонни қаяжонга солиб, воқеаларни изчил кузатиб, аралашиб боришини таъминлайди. Ҳатто Дадашевдай олижаноб, кучли партия ходими шиддатли ҳужумга учрайди, суриб ташланади. Бу воқеалар тасвири ўқувчида қаҳрамонлар тақдирига қизиқишни кучайтиради. Лекин усталик билан берилган бу конфликтнинг кейинги ривожини автор маҳорат билан давом эттира олмаган. Романнинг иккинчи қисми ўрталарига бормасданоқ конфликт анча сўнгган, хиралашган, фикрлар кураши бўшашиб кетган. Ёзувчи, Дадашевни Марказий Комитетга олиб боради-ю, ҳамма ишни ҳал қилади-қўяди: обком бюросининг аввалги қарорлари бекор бўлади, Ҳазратов ишдан бўшатилади ва ҳоказо.

Демак, конфликт характерларда акс этадиган масъулиятли моментлар келганда, ёзувчи уни янада кескинлаштира олмайди, тўғрироғи, тасвирлаш маҳоратини ишга солмасдан, бошқа томонга олиб қочади, яъни четлаб ўтиб кетади.

Иккинчи бир сўз билан айтганда, автор ана шу масъулиятли моментларда воқеаларни, ситуацияларни ва драматик ҳолатларни бутун мураккаблиги билан очиб бериш ўрнига улар ҳақида ахборотлар бериш йўлига тушиб кетади.

А. Қаҳҳор янги даврнинг янги типини, ажойиб ёш коммунист образини яратди. Санда характери ҳаёт таҳлили этган мухим проблемалар юзасидан Қаландров билан кескин конфликтларда, шувларда очиб берилади. «Ларза» асаридаги Мўминов янги типдаги партия ходимига ва раҳбарга хос бўлган фазилатларга эга. У ҳаётий образ. Бундай кишилар ҳаётимизда жуда кўп. Мўминовнинг қадрларни танлаш, тарбиялаш ва уларни жой-жойига қўйиш каби раҳбар ходимга хос фазилати конкрет очиб берилган.

Хулоса қилиб шуни айтиш керакки, кейинги йилларда ўзбек адабиёти, хусусан унинг проза жанрида Коммунистик партиянинг раҳбарлик ва ташкилотчилик ролини конкрет образларда тўғри очиб беришда жиддий ютуқлар қўлга киритилди. Лекин бу ҳали жуда оз. Айрим асарларда коммунистлар образини тасвирлашда схематизм, уларни ғояларнинг қуруқ жарчисига айлантириб қўйиш, тавсифийлик, иллюстративлик каби нуқсонлар кўринмоқда. Масалан, «Ҳаётнинг бошланиши» повестининг (С. Абдуқаҳҳор) кўп ўринларига киши ишонмайди.

Аввало шуни айтиш керакки, совхоз ери билан нотаниш, янги ишга келган ва уч кунгина отар ва фермаларда бўлган ёшгина кизнинг «яйловларнинг сифати йилдан-йилга ёмонлашиб кетаётганлигини» аниқлашини, «Орадан яна тўрт-беш йил ўтгач, яйловларда ўт танқислиги бошланиши»ни ва шунга ўхшаш масалаларни кўтариб чиқишини автор етарли даражада мантиқан асослаб, ишонарли қилиб бера олмаган.

Бундан ташқари, асарда партия ташкилотининг секретари Қодиржоннинг бир марта «жаладан шикаст еган кўйларни «Мир романсонлари»ни олиб келиш»ини, «Ёшлар клуб биноси пойдеворига биринчи ғишт қўйиш муносабати билан иккинчи фермага» келгани ҳақида қуруқ ахборот берилади. Унинг кишилар билан бўлган алоқаси ва муносабати кўрсатилмайди. Бу схематик образ орқали бирон тоя етарли даражадаги акс этмаган. Оқибатда китобхоннинг эсида қолмайдиган яна бир «қаҳрамон» пайдо бўлган.

Коммунизм жамиятини кенг кўламда қуриш даврига кирган ҳозирги тарихий кунларимизда халқ оммасининг раҳбари ва ташкилотчиси бўлган коммунистларнинг, умуман раҳбар партия ходимларининг конкрет ва ёрқин образларини, кенг кўламдаги индивидуал характерларини яратиб бериш — санъаткорларимиз олдида турган масъулиятли ва ғоят шарафли вазифадир.

А. ҚУЛЖОНОВ,
филология фанлари кандидати.

Дунё ХАБАРЛАРИ

МАМЛАКАТЛАР ОДАМЛАР ВОҚЕАЛАР

Тинчлик ва дўстлик манфаатларини кўзлаб

Жаҳоннинг кенг жамоатчилиги шу кунларда СССР Министрлар Совети Раиси А. Н. Косигиннинг Ҳиндистон билан Афғонистонга қилган дўстона визитлари якунларини мамнуният билан кутиб олди. Совет Иттифоқи барча мамлакатлар билан яхши қўшничилик муносабатлари ва ўзаро фойдали алоқаларни мустаҳкамлаш йўлини изчиллик билан амалга ошираётганлигини яна бир марта намойиш қилди.

Ҳиндистон Бош министри Индира Ганди Совет Иттифоқининг жаҳон проблемаларини тинч йўл билан ҳал этиш ишига қўшаётган ҳиссасига юксак баҳо берди. Совет Иттифоқи билан Ҳиндистоннинг якуловчи ахборотида таъкидлаб ўтилганидек, халқаро проблемалар, шу жумладан чегара ва территория проблемалари тинч музокаралар олиб бориш йўли билан ҳал этилиши лозим. Вьетнамдаги урушнинг давом эттирилаётганлиги муносабати билан Совет Иттифоқи ва Ҳиндистон ғоят ташвишланаётганлигини билдирдилар ва Вьетнам Демократик Республикасини бомбардимон қилишни сўзсиз тўхтатишни биргаликда талаб қилдилар.

Ривожланиб бораётган неча ўнлаб мамлакатнинг савдо-сотиқ ва тараққиёт масалалари юзасидан Бирлашган Миллатлар Ташкилоти уюштирган иккинчи конференцияда қатнашиш учун Деҳлига келган вакиллари Совет-Ҳиндистон ва Совет-Афғонистон ҳамкорлигини янги хилдаги ўзаро фойдали чинакам иқтисодий муносабатларнинг намунаси деб билдидилар. Ҳиндистоннинг давлат арболари ва матбуоти йирик миллий корхоналари, саноатнинг янги тармоқларини вужудга келтиришда, мамлакатнинг мустақиллигини мустаҳкамлашда ҳал қилувчи роль ўйнаётган давлат секторини ривожлантиришда жуда катта ёрдам бераётганлиги учун Совет Иттифоқидан миннатдор эканликларини кўп марта изҳор қилдилар.

Совет Иттифоқи Афғонистонинг миллий экономикасини ривожлантириш планини амалга оширишда ҳам катта ёрдам бермоқда. Кейинги йилларда совет мутахассисларининг ёрдами биллан тоғлар ва чўллар оша неча юз километр йўл очилди, саноат корхоналари, гидроэлектростанциялар, ирригация системалари ва шу сингарилар қурилди. Совет Иттифоқи билан Афғонистон ўртасидаги иқтисодий муносабатлар ўзаро. фойда келтиришга асосланган. Масалан, яқинда газ қувури қурилиши тамомланди. Афғонистон гази ана шу қувур орқали Ўрта Осиёдаги совет республикаларининг саноат корхоналарига етказиб берилади. Ҳиндистон ва Афғонистон жамоатчилиги А. Н. Косигиннинг сафари империализм ва мустамлакачиликка қарши кураш фронтини мустаҳкамлашга, халқаро кескинликни юмшатишга ва умумий тинчлик ҳамда хавфсизликни мустаҳкамлашга ёрдам беради, деб зўр мамнуният билан таъкидламоқда.

Г. ШИШКИН
В. КУЗНЕЦОВ
ТАСС.

ХАНОЙДАН ОЛИНГАН ХАБАРЛАР

ХАНОЙ. ВИА агентлигининг Озодлик агентлигига асосланиб берган хабарига кўра Жанубий Вьетнам революцион кучлари 1 февралдан 2 февралга ўтар кечаси Сайгондаги қўғирчоқлар тўдасининг генерал штабининг штаб-квартирасини ўққа тутдилар. Ватанпарварлар бу ерда артиллерия позициясини эгаллаб олиб, бир тўда танкларни қўлга киритдилар, бензин сақланадиган бакларни ва қурол-аслаҳалар турадиган омборларни ёндириб юбордилар. Бу пуктлар Америка ва қўғирчоқ тўдалари томонидан қўриқлаб турилган эди. Революцион кучлар ашаддий жанглар олиб бориш натижасида Таншонятдаги Америка ҳарбий ҳаво кучларининг жанубий ва шимолий секторларини қўлга киритдилар. АҚШнинг пиёда дивизиясига қарашли Бенче марказидаги 9-батальонни эса ер билан яксон қилдилар.

Охирги кунларда революцион кучлар ва Жанубий Вьетнам аҳолиси Тхиавхиен ўлкасининг марказий Гуэ шаҳрида жанговар операциялар олиб бордилар. 3 февралда революцион кучлар «Тхиафу» қамоқхонасини қўлга олдилар. Қамоқдан 2 минг маҳбус озод этилди.

НЬЮ-ЙОРК. Информация агентлигининг 4 февралдаги берган маълумотига кўра Жанубий Вьетнамнинг кўпгина шаҳарларида ва районларида шиддатли жанглар бўлиб ўтган. Айниқса жанглар Гуэ шаҳрида ва Дананг районида авжига чиққан. Сайгонда эса жанглар шаҳарнинг марказида ва унинг ўлкасида олиб борилди.

Америка қўмондонлари бу шиддатли жангларни «бутун уруш мобайнида юз берган шиддатли жанг» демоқдалар. Америка қўмондонларининг маълумотига кўра охирги беш кунда Америка ва қўғирчоқ ҳарбийларининг 1.116 солдати ўлди ва 4.171 таси ярадор бўлди.

СОВЕТ ВА АРАБ МУТАХАССИСЛАРИГА МУКОФОТЛАР

ҚОҲИРА. Асвон гидроэнергетика комплексини вужудга келтириш соҳасидаги ишларнинг иккинчи қисми тугалланганлиги ва гидроэлектростанциянинг биринчи агрегатлари ишга туширилганлиги муносабати билан Бирлашган Араб Республикасининг Президенти Жамол Абдил Носир совет ва араб мутахассисларидан бир қанчасини мукофотлади.

Мукофотланганлар орасида баланд Асвон тўғони қурилишида, Асвон билан қуйи Миср ўртасидаги электр линияси қурилишида, машина-ускуна етказиб берувчи Совет заводларида ишлаётган 120 совет мутахассиси, шунингдек Асвон гидроэнергетика комплекси қурилиши билан боғлиқ бўлган СССР министрликлари ва идораларидан бир қанчасининг вакиллари бор. (ТАСС).

СИНГАПУР — СОВЕТ ПАРОХОД АГЕНТЛИГИ ТУЗИЛДИ

СИНГАПУР. Бу ерда янги акционер компанияси — Сингапур — Совет пароход агентлигининг меморандуми ва устави имзоланди. Бу агентлик кемаларга хизмат кўрсатиш ва Совет Узоқ Шарқи портларини Ҳиндистон портлари билан боғлайдиган ва кемалар доим қатнаб турадиган йўлларда юкларни сақлаш масалалари билан шуғулланади (ТАСС).

ЯНГИ ИҒВОГАРЛИК

ПНОМПЕНЬ, 4 февраль. (ТАСС). Америка-Жанубий Вьетнам қўшинлари мустақил бетараф Камбоджага қарши яна бир қуролли игвогарлик қилишди. Камбоджанинг Жанубий Вьетнам билан туташган чегарасидан бир километр беридаги Пномпен қишлоғи (Камбоджанинг Такэо вилояти) 2 февралда икки марта тўпга тутилди. Тўпга тутиш натижасида қишлоқ аҳолисидан бир киши ўлди, беш киши жароҳатланди, бир неча уй шикастланди. Камбоджадаги кузатувчи ва контрол қилувчи халқаро комиссия аъзолари, маҳаллий ва чет эл журналистлари шу можаро рўй берган жойга етиб келишди Пномпен қишлоғининг тўпга тутилганлиги АҚШ президентининг махсус вакили элчи Честер Боульс январь ойида Пномпенга келиб кетганидан кейин Америка-Жанубий Вьетнам қўшинлари томонидан Камбоджа чегарасида қилинган қуролли игвогарликнинг иккинчиси бўлди. Вашингтоннинг шу вакили, Қўшма Штатлар бетараф ва суверен Камбоджанинг чегараларини ҳурматлайди, деб Камбоджа ҳукуматига ваъда берган эди.

Бу ерда шуни қайд қилмоқдаларки, ўтган йил 1 октябрдан, шу йил 2 февралга қадар бўлган вақт ичида Америка ҳарбийлари ва Сайгон режимининг қўшинлари Такэо вилоятидаги Камбоджа қишлоқларига 13 марта тажовуз қилдилар.

Л. И. ЖОНСОННИНГ МАТБУОТ КОНФЕРЕНЦИЯСИ

ВАШИНГТОН, 3 февраль. (ТАСС). АҚШ президенти Жонсон Жанубий Вьетнамдаги кейинги воқеаларга бағишлаб кеча Оқ уйда матбуот конференцияси ўтказди. Бу матбуот конференцияси Жанубий Вьетнам миллий озодлик фронти қуролли кучларининг Америка интервенционистларига қарши актив жанг ҳаракатлари сабабли ҳозир Вашингтон расмий доираларида авж олиб кетган асабийлик ва саросималик вазиятида ўтди. Жонсон миллий озодлик фронти қуролли кучлари ҳужумининг аҳамиятини ҳар қандай қилиб бўлса ҳам камайтириб кўрсатишга уринди, лекин бу ҳужум «ялпи қўзғолон» характерида эканлигини, Америка армияси ва Сайгон қўшинларининг аскарлари ва техникаси «сезиларли» равишда нобуд бўлаётганлигини эътироф қилишга мажбур бўлди.

Президент, Америка халқи бундан кўра баттарроқ ҳолларга тайёр бўлиб турисин лозим, деб огоҳлантирди. «Эҳтимолки, биз ҳозир Кхесань районида ва демилитаризация қилинган зонада янги ҳужум бошланиши арафасида турган бўлсамиз керак», — деди у. Жонсон, Америка қўшинларининг янги қисмлари Жанубий Вьетнамга юборилиши мумкин, деди.

МЕХИКОДА ЗИЛЗИЛА

НЬЮ-ЙОРК, 3 февраль. (ТАСС). Мексика пойтахти — Мехикода ўтган кун кечаси қаттиқ зилзила бўлди. Зилзила 3 минут чамаси давом этди, дейилади ЮПИ агентлигининг хабарида.

Мексика пойтахтининг бир қанча маҳаллаларидаги уйларда электр ўчиб қолди. Шаҳар атрофидаги аҳоли орасида ваҳима бошланиб кетди.

Қанча киши шикастланганлиги ва қанча вайронлик бўлганлиги тўғрисида ҳозирча ҳеч қандай хабар йўқ. Бу зилзиланинг зарби пойтахтдан 400 километр жанубдаги Актап деган жойга ҳам етиб келиб ,бу ерда ер қимирлади.



СУДАН. Порт-Судан шаҳри мамлакатнинг ягона денгиз портларидан бири ҳисобланади. Бу ерда Совет Иттифоқининг иқтисодий ва техника ёрдами туфайли 50 минг тонна буғдойга мўлжалланган элеватор қурилди. Элеватор ҳозирги замон асбоб-ускуналари билан жиҳозланган. Кемаларда келтирилган буғдой тўппа-тўғри элеваторнинг қабул пунктига келиб тушади. Суратда: янги элеваторнинг кўриниши.

В. Копалин фотоси.
(ТАСС).

Тошкент энгилликлари

АҲОЛИГА ҚУЛАЙЛИК

ГАЗГА бўлган эҳтиёж тобора ошяпти. Буни кўзда тутган «Ташпромкоммунгаз» ҳамда «Ташгоргаз» ташкилотлари янги йилда ибратли тадбирларни амалга оширмоқдалар.

Пойтахтимизда юз мингдан ортиқ хонадон табиий газ билан таъмин этилган. Бу йил яна беш минг хонадон уйига газ киради. Шунисси яхшики, табиий газ кўпқаватли турар жой бинолари қатори шахсий уйларга ҳам ўтказиляпти.

Аҳолини баллонли газ билан таъминлаш ҳам йил сайин кўпайиб бормоқда. Юбилей йилида биргина Октябрь районида мингга яқин хонадон баллонли газ билан таъмин этилди.

КЎК ЛИБОС

ҚИШ ойлари ободончилик ишларини бир меёрда олиб боришга жуда қулай келди, — дейди Тошкент шаҳар ижроия комитети ободонлаштириш бош бошқармасининг кўкаламзорлаштириш бўлими бошлиғи ўртоқ В. Наруцкая. Илгари бу ишлар куз ва кўкламда авж олдирилларди. Эндичи, тамомила бошқача манзарани кўрасиз.

Дарҳақиқат Тошкентнинг гулларга ва яшил бойликларга безаб янада гўзал қилиш йўлида бўлим хизматчилари талайгина тадбирларни амалга оширяптилар. Богдан Хмельницкий кўчаси, Чилонзордаги анҳор бўйлари, Киров ва Октябрь районидаги парклар ободонлаштирилиб, 900 минг туп ҳар хил дарахт кучатлари экилди. Қорақамишдаги Ц-7 кварталида қурилаётган кўпқаватли бинолар атрофи ҳам кўкаламзорлаштирилмоқда. Бундан ташқари шаҳримизни янада гўзал қилиш учун 6000 туп манзарали ўсимликлари экилди.

ЯНГИ КИНОТЕАТР

Октябрь районидаги Ҳамза кўчасида катта ҳашаматли бино қад кўтарди. Бу 820 ўринлик кинотеатрдир. Кинотеатрнинг фойеларида томошабинлар маданий дам олиши учун ҳар хил кўргазмалар уюштирилади. Совет киноси усталарининг ижодий ютуқлари ҳақида ҳикоя қилувчи витриналар ташкил этилади, кино артистлар билан учрашувлар ўтказиб турилади.

Янги кинотеатрда кино шинавандалари кўнгилли дам олиши учун махсус бурчак ташкил қилинади, буфет, ишлаб туради.

Кенг экранли бу янги кинотеатр Октябрь районидаги энг йирик маданий ороғоҳ жойлардан бири бўлиб қолади. Кинотеатрга ўзбек халқининг севимли шоири Ғафур Ғулом номи берилди. Кинотеатр эрта-индин ишга туширилади.

ЗИЁКОР

Холида опа беморга аввал пенициллин билан укол қилди. Ичкарига қайрилган киприкларини махсус асбоб билан қуйдирди. Кўзга дори томизди, дори сурди. Ишқилиб, тузалмагунча Холида опа тиним билмади.

Кунлар ўтди. Беморнинг кўзи тузалди. Район поликлиникасининг «Бемор тарихи» дафтаридан «Коммунизм» колхозининг механизатори С. Бойжонов ўчиб, яна меҳнат қучоғига қайтди.

Кўп ўтмай ўртоқ С. Бойжонов меҳрибон шифокорига: «Ҳурматли доктор опа, мана кўзим тузалиб яна меҳнат қилаётирман. Аммо, Сиздек меҳрибон докторни асло унутмайман. Сиз менга қайта зиё бахш этдингиз. Миннатдорман» деб мактуб йўллади.

Холида опа бугун ҳам шу мавзуда «Ленин йўли колхозининг аъзоси Ҳайдаров, ўқитувчи Н. Иброҳимова, шофер В. Ибраевлардан ҳам хат олди. Улар ҳам кўз доктори Холида Аҳмедовага раҳматнома билдиришибди.

Кўз доктори Х. Аҳмедова ўзининг чорак асрлик меҳнати давомида бундай хатлардан жуда кўпини олди. Уларга «Кўз нозик, уни доим эҳтиёт қилинг» деб насиҳатнома ёзади, ўз навбатида.

Меҳрибон доктор фақат поликлиникада ўтирмайди. Участкама-участка, уйма-уй юриб, кишилар саломатлигини кузатади.

Урта Чирчиқ район поликлиникасининг кўз врачи Холида Аҳмедованинг шогирдлари жуда кўп. Исматуллаев, Ҳан Мая, Стрельникова каби фельдшерлар ҳам врач Холида Аҳмедованинг бой тажрибасидан баҳраманд бўлишган.

Т. РЎЗИМАТОВ.

Тошкент Москва ва Кневдан кейин симсиз телефон алоқаси ўрнатаётган учинчи шаҳардир. Янги радиотелефон аппаратулари пойтахтимиздаги шаҳарлараро станцияда монтаж қилина бошланди. Энди машинада кетаётиб пассажирлар шаҳарнинг хоҳлаган абоненти билан телефон орқали гаплаша оладилар. Суратда: симсиз телефон алоқаси марказий станциясида.

Г. Пун фотоси. (ЎзТАГ).

М. МОСКВИН

(Разведкачи хотираларидан)

—/——★ ★——/—

БИЗ У БИЛАН яхши таниш эдик, сўнгги марта Испанияда учрашгандик. Унинг ота-онаси бадавлат одамлар бўлиб, ўзи олий маълумотли, истеъдодли юрист эди. У яхши еб-ичишга, тўралардек турмуш кечиришга ўрганиб қолган, ҳеч қандай йўқчиликка чидолмайдиган эркатой одам эди. Чўнтагида пули борида саҳий эди, лекин бўлар-бўлмасга пул сарфлаб қўйиб, кўпинча қарзга ботиб юрарди. Ҳар ҳолда буларнинг ҳаммаси ундаги фашизмга нафрат ва Испания халқига хайрихоҳлик ниссининг самимийлигига ҳалақит бермас эди. Бироқ Испанияда ҳеч ўзини кўрсатолмади. Шунда Оскарни бошқа мамлакатга юборибди, ундан қандай қилиб фойдаланиш мумкинлигини синаб кўришга қарор қилишди. Шундан сўнг унинг изини йўқотиб қўйдим. Мана энди тақдир бизни яна учраштирди. Лекин у душман ва сотқин бўлибди. Худди ўргимчакдек ўз ўрсида яшириниб, навбатдаги қурбонини кутиб ётган экан.

Оскар мени автобусда эканлигимда кўрдими? Агар кўрган бўлса нега полицияга хабар бермади? Мени шу ердаёқ қўлга олишлари мумкин эди. Маҳаллий контрразведка қўлига тушдингми, бас, умидингни узавер. Ўзимни жуда ёмон ҳис қилдим. Кўп аҳолиси бўлган рилган денгиз балиқлари истеъмол қилиш мумкин бўлган ресторан бор эди.

Ресторанинг номи ҳам «Денгиз» эди, у шаҳар чеккасида, дарё қирғоғида жойлашган. Ресторанга шу қирғоқ томондан кирилади, катта-катта деразалар ҳам худди шу томонга очилади. Унинг ёнида омборлар, қайиқлар қўнадиган жой бўлиб, бу ерга, ҳеч кимнинг кўзига кўринмай, автомашинада келиш, уни ҳолироқ жойга яшириб қўйиш мумкин эди.

ТУШЛИК овқат пайти бўлса ҳам ресторанда хўрандалар кам эди. Мен узоқ кутмадим. Беш минутдан сўнг тарелкада майда муз бурдалари қопланган устрица олиб келиб қўйишди. Мен энди ея бошлаган эдимки, кимдир тез юриб келиб, мен ўтирган столга ўтирди. Кўзимни очиб бир чўчиб тушдим. Қаршимда Оскар турарди.

У жуда ўзгариб кетган. Кўзлари остида кўйиш доғлар, яноқларида чуқур ажинлар. Аввалги савлатидан из ҳам қолмабди. Бармоқлари билан тез-тез дастурхонни ғижимлаб-ёйиб кўярди.

— Мен бу учрашувни кутган эдим, — деди у оҳиста, — эртами-кечми барибир бу ерга келишингни биларди.

Мен индамай ўтиравердим. Официант келиб, бироз туриб қолди. Лекин суҳбатдошим ҳеч нарса бўюрмаётганини кўриб нари кетди. Мен эшикка қарадим, мана ҳозир полициячилар келиб қолишини кутардим. Улар Оскар билан бирга келган бўлиши керак. Лекин ресторанда ҳеч ким йўқ, бошқа кишилар келмаган.

— Қўрқма, — деб ғудирлади Оскар фикримни билгандай.

Унга нима деб жавоб қилай? Ҳақиқатан ҳам қўрқаяпман. Лекин буни Оскарнинг оғзидан эшитиш ҳақоратдан ҳам баттар эди.

— Яхшиси ўзинг қўрқмасанг бўлгани.

— Ҳозир уриниб ўтиришнинг фурсати ҳам, жойи ҳам эмас, — деди у, — бизга ўлим ҳавф солмоқда.

— Бизга? — деб яна ўзини бўлдим, — йўқ, мени ўзингга шерик қилмай қўяқол.

— Ўтинаман, гапимни бўлма, вақт ганимат, қулоқ бер... — Мени жуда осонгина, ўз айбимга кўра қўлга олишди. Мен вино ичиб ўтириб, бир дўстимга кўп нарсани айтиб қўйибман, у эса жосус бўлиб чиқди. Мени қамоққа олишди. Мен азобларга бардош беролмадим. Лекин мен ҳамма гапни охиригача айтиб берганим йўқ. Телефонда сўзлашиш лозимлигини эса унутиб қўйдим, эсимдан чиқиб кетибди. Сени аввал автобусда кўрдим.

У бироз жим қолиб, атрофга кўз ташлади.

— Мендан нима истайсан? Шуларнинг ҳаммасига раҳмат айтаймми? — деб сўрадим ундан.

— Йўқ. Мени кечириш мумкин эмас, буни биламан. Ўзим ҳам этимни еб юрдим, ўз-ўзимни осиб қўйишга ёки поезд тагига ташлашга кучим етмади.

— Ҳали ҳам кеч эмас, — дедим мен. Чўнтагимдан пистолетни олиб, билдирмай унинг тиззасига қўйдим.

У менга бир караб қўйиб, кейин пистолетни тез қўлига олди ва шитоб билан камзули остига яширди.

Мен кетмоқчи бўлиб официантни қидира бошладим.

— Тўхтаб тур, — давом қилди Оскар, — мен ҳаммасини айтиб берганимча йўқ.

У яна атрофга караб қўйди, кейин бирдан қўрқиб, титраб кетди.

— Тамом бўлдик, — базўр гапирди Оскар.

Мен эшик томон қарадим. Столимиз томон тез қадамлар билан, худди эски танишларини кўргандай тиржайиб, шляпа кийиб олган бир киши келарди. Қўллари шимининг чўнтагида. Пешонам ва кафтимни тер босиб кетди. У столимизга яқинлашиб шляпасини олди, уни стол устига бепарвогина ташлади-да. Оскарга караб деди:

— Шу ерда экансан-у, тирранча! Биз бўлсак сени тоза қидириб юрибмиз.

Оскар бўйнини қисиб олганча ўтирарди. Секин-аста хотиржам бўла бошладим. Официантни чақириб, кармонимни чиқардим. Ҳақни тўлашга киришдим.

— Сизнинг керагингиз йўқ, — деди буйруқ оҳангида Оскарнинг таниши официантга, — биз ҳали бироз ўтирамиз.

Официант ҳисоб ёзилган қоғозни олдимга қўйиб, нари кетди. Мен қоғозга караб, пул чиқардим.

— Жойингиздан қимирламанг, марҳамат, рост айтяпман!

— Мен билан бундай гаплашишга қандай ҳаққингиз бор?

— Омадни қаранг, — деди саволимга жавоб бермай жосус, — Биз анчадан бери изингиздан қувиб юрибмиз. Бу ердан ўтатуриб қарасам, танишимиз ким биландир улфатлашиб ўтирибди.

Миямга ҳар хил фикрлар келиб кетарди. Лаънати сотқин! У полициячини ўзига эргаштириб келган. Шундай ахмоқона бир ҳолатда қўлга тушяпман. Ахмоқлик қилиб, пистолетни унга ўзим бериб қўйганимни қаранг.

— Нима деяпсиз, тушунолмаяпман, — дедим қатъий оҳангда.— Мени бошқа одам деб ўйлаяпсиз.

Ўрнимдан турдимда, стулни қаттиқ суриб қўйиб, эшик томон тез йўл олдим.

— Тўхта, — бақирди у ва кетимдан кела бошлади. — Яна бир қадам юрсанг, сени...

У гапини тугатмади. Орқа тарафдан ўқ овози эшитилди. Жосус қўлларини осмонга кўтариб, полга йиқилди. Мен орқага қарашга улгурдим ва Оскарнинг қўрқув босган юзини кўрдим. Ресторанда олаговур бошланди.

Мен кўчага чопиб чиқиб, ҳеч кимга қарамай автомобилни қўйган жойга караб югурдим. Эшикни тортиб ўриндиққа ўзимни ташладим. Энди юргизмоқчи бўлиб, турганимда бошқа томондан Оскар келиб қолди. У машина ёнида туриб имо билан эшикни очишни сўрарди. Уни машинага итариб киргиздим...

ЮРИБ кетарканмиз, ойнага қарадим, ҳеч ким қувиб келмаётган эди. Светофор олдида туриб қолмаслик учун тезроқ шаҳардан ташқарига кетиш мақбул эди. Ўн километрдан кўпроқ юргач, шаҳар ташқарисидаги йўлда мен Оскарга қарадим. Кун иссиқ эди. У камзулини ечиб, тиззасига қўйиб ўтирарди.

— Осиб қўяқол, — дедим мен камзилга қўл теккизиб. Оскар зарб билан камзилини ўзига тортди, лекин унинг чўнтагида қандайдир оғир нарса борлигини сезиб қолдим.

— Пистолет қани?

— Пистолет? — қайта сўради у ўзини йўқотиб қўйиб, кейин чўнтакларини қидира бошлади.— пистолет? Ресторанда тушириб қўйган бўлсам керак.

— Энди нима қилмоқчисан?

(Давоми бор).

(Давоми. Боши газетамизнинг 3 февраль сонида).

РАДИО ХОДИМЛАРИ СЕМИНАРИ

Ҳозирги кунда ҳар бир хонадонни радиосиз тасаввур қилиш қийин. Куни-кеча Тошкент область партия комитети залида бўлган семинарда ҳам худди ана шу ҳақда фикр юритилди. Семинарда область районларидаги радиоэшиттириш ташкилотчилари, колхоз ва совхозларнинг радиоузел техниклари, дикторлари, район партия комитетининг инструкторлари қатнашди.

Область партия комитети пропаганда ва агитация бўлимининг мудири У. Абдураззоқов «Район радио редакторларининг ишларини янада яхшилаш ва улар олдидаги вазифалар», Ўзбекистон радиоэшиттириш ва телевидение давлат комитети раисининг ўринбосари Х. Худойбердиев «Район радио редакторларининг ишларини жонлантириш формалари ҳақида» доклад қилди. Шунингдек, семинар қатнашчилари республика радиоэшиттириш ташкилотчиси Ж. Ҳолматов, Бекобод районидаги Дзержинский номли колхоз радиоузелининг бошлиғи И. Зокиров, область радиоузеллари план таъминоти бошлиғи Воронюк ва бошқа ўртоқлар сўзга чиқиб, қўлга киритилган ютуқларни таъкидлаш билан бирга камчиликларни бартараф этиш юзасидан таклифларни айтишди.

Икки кун давом этган бу семинар иштироқчилари республика радио ўйида бўлишиб, Т. Юнусхўжаеванинг «Дикторлик маҳорати ҳақида»ги суҳбатини эшитдилар. Тошкент телевидение студиясига экскурсия уюштирдилар.

Б. САФАРОВ.

ФЕВРАЛДА ОБ-ҲАВО ҚАНДАЙ БЎЛАДИ?

Январда об-ҳаво бир мунча қуруқ келди. Республикамиз областларида ҳарорат кўпинча 0 даражага яқин бўлди. Гоҳо-тоҳо 4-5, шимолий районларда 7-12 даража совуқ бўлди. Январь ойи ўрталарида республикамиз жанубида иссиқлик ҳатто 20-22 даражагача ҳам кўтарилди.

Февраль ойида об-ҳаво қандай бўлади? Бу ойда ҳам ҳарорат деярли ўзгармайди. Февралнинг иккинчи ҳафтасида ва 17-22 кунларда совуқ оқим келиши, кечаси 2-7 даража совуқ бўлиши кутилади. Кундузлари эса ҳарорат 0 даража атрофида бўлади. Февраль ойида вақти-вақти билан ёмғир ва қор ёғади, биринчи ўн кун ликда эса эрталаб қуюқ туман тушиши кутиляпти.

О. СПИРИДОНОВА,
Тошкент об-ҳаво бюросининг синоптик бош инженери.

Пойтахтнинг Сергели районида яқинда яна бир янги болалар касалхонаси ишга тушди. Суратда: (чапдан ўнгга) касалхона медицина ҳамширалари Г. Одилова ва Л. Агибаевалар навбатчилик пайтида.

Р. Отажонов фотоси.

МЕНИНГ МИЛИЦИЯМ

ОСОЙИШТАЛИК ПОСБОНЛАРИ

ҒАЗАЛКЕНТ шаҳар милиция бўлимининг коллективи шаҳар ва Оржоникидзе районининг қишлоқ, посёлкаларида жамоат тартибини мустаҳкамлашда тинимсиз, сабот ва матонат билан хизмат қилмоқда. Хушёр милиция ходимлари безорилик хатти-ҳаракатлари ҳамда ичкиликбозликка қарши курашни ўзларининг асосий вазифалари деб ҳисоблаб, аҳоли орасида социалистик конунчиликни кенг тушунтириш билан бирга социалистик мулкка қасд қилувчи шахслар ва текинхўрларга нисбатан шафқатсиз кураш олиб боришмоқда.

Бўлимнинг ҳар бир ходими ўзига юклатилган шарафли вазифага сидкидилдан ёндошади. ОБХСС-нинг старший оператив ходими, милиция лейтенанти Исахон Машраповнинг хизмати айниқса эътиборга лойиқ. У давлат, колхоз-кооператив мулкини-талон-торож қилинишига қарши астойдил курашиб бир қатор хавфли жиноятларни очишда оперативлик кўрсатди. И. Машрапов жумладан, Пак Геннадий ва Цой Владимир бошлиқ бир тўда юлғич шахсларнинг «Ленинград» колхозидан 1965 килограмм шолини ўғирлаб кетишаётган пайтида қўлга туширди. Бу жиноятчилар суд жавобгарлигига тортилди. Шоли колхозга қайтарилди. Шундан кейин Бўстонлиқ матлубот жамиятининг тайёрлаш пунктида текшириш ўтказилди. Бунда бир тўда эгри қўллар Карл Маркс ва «Ленинград» қишлоқ хўжалик артелларидан 50340 сўмлик пиёз ўғирлаганликлари фош қилинди. Ғазалкент консерва заводида ҳам Ҳайдаралиев деган шахс мансабидан фойдаланиб, кишилардан мева қабул қилишда ўз манфаатини кўзлаб ишлаганлиги аниқланди. Ҳайдаралиев ана шу йўл билан 16357 сўмлик давлат маблағини ўзлаштириб келган. Бу жиноятчи олти йил муддат билан қамоққа ҳукм этилди.

Бу жойда жиноят қидирув бўлимининг старший оператив ходими, милиция капитани Уроқбоев ва милиция лейтенанти Рисметов ўртоқларнинг хизматини ҳам алоҳида кўрсатиб ўтиш лозим. Улар айниқса жамоатчи активлар ёрдамига таяниб, жиноятчиларни кидириб топишда катта маҳорат кўрсатишмоқда.

Коммунист Рисметов кооператив маблағни ўзлаштириб растрата қилган Ғулом Мирпўлатов ҳамда Мели Исамқулов каби ғолиб ишчиларни изига тушиб, ўз вақтида қўлга олгани учун у маъмурият ташаккурига сазовор бўлди. Жамоат тартибини сақлаш ва кишилар ҳурматиззатини таҳқир этувчи шахсларни тартибга чақириш оддий милиция ходимлари Мирвали Мирбоев, Асад Қўнисбоев, Маҳамадали Эргашев ўртоқлар ҳам яхши ишлашмоқда.

Участка милиция вакиллари ҳамиша аҳоли орасида бўлиб турадилар. Шунингдек улар кўнгилли халқ дружиначиларининг штаблари билан ҳамкорликни кучайтиришган. Шу туфайли қишлоқ жойларида безорилик хатти-ҳаракатлари анча камайиб бораяпти.

—Қишлоқ ва посёлкаларда осойишталик ўрнатишда милициягa ёрдам кўрсатаётган Алимқул Жумабоев, Исматулла Патуллаев, Бахтиёр Алиохунов, Юсуф Юнусов каби дружиначилардан миннатдормиз, — дейди шаҳар милиция бўлимининг бошлиғи, милиция капитани Ҳамидулла Хайруллин, Биз бундан буён ҳам жамоатчиликка суянган ҳолда ишлайверамиз.

А. РАҲИМБЕРДИЕВ.

СПОРТ ХАБАРЛАРИ

РАҚИБЛАР МАЪЛУМ

СССР футболчилари терма командаси 1970 йил Мехикода ўтадиган 9-жаҳон чемпионатининг 4-саралаш группасига кирди. Мамлакатимиз футболчилари билан бирга Шимолий Ирландия ва Туркия командалари ҳам шу группага кирдилар. Халқаро футбол федерациясининг Касабланка шаҳрида ташлаган чекига мувофиқ бошқа группалар қуйидаги мамлакатлардан ташкил топди: 1. Португалия, Швейцария, Руминия, Греция. 2. Венгрия, Чехословакия, Ирландия, Дания. 3. Италия, ГДР, Уэльс. 5. Франция, Швеция, Норвегия. 6. Испания, Югославия, Бельгия, Финляндия. 7. ГФР, Шотландия, Австрия, Кипр. 8. Болгария, Голландия, Польша, Люксембург.

Бу чемпионатда Африка мамлакатларидан ҳам битта ғолиб команда иштирок этадиган бўлди. Бу — қитъанинг 11 та кучли командаси ўртасидаги турнир ғолиби бўлади.

Мексика чемпионатни ташкил қилувчи мамлакат сифатида, Англия жаҳон чемпиони сифатида 16 та финалчи сафига саралаш мусобақаларисиз киритилди.

Группаларда саралаш ўйинлари 1969 йил 31 декабригача ўтказиб бўлинади.

ЕТТИ ҮЙИН, ЕТТИ ҒАЛАБА

Тошкент шаҳрининг «Автомобилист (илгариги «Спартак») волейболчи қизлари «А» класси 2-группаси коллективлари ўртасида Свердловскда ўтказилган мусобақаларда ажойиб ғалабага эришдилар. Улар 7 учрашувнинг ҳаммасини ғалаба билан якунлаб, биринчи ўринни эгалладилар.

Энди ҳамшаҳарларимиз март ойининг охирида Львов шаҳрида бошланадиган иккинчи тур мусобақаларига катта очколар запаси билан борадилар.

«СПАРТАК» ЯНА ҒОЛИБ

Республикамизда мавсумга тайёрланаётган Москванинг «Спартак» командаси Бухорода маҳаллий «Факель» футболчилари билан ўртоқлик учрашуви ўтказди. Ўйин спартакчилар фойдасига 3:0 ҳисобида тугади.

Редактор А. ИСМОИЛОВ.

Реклама ва Эълонлар

ТЕЛЕВИДЕНИЕ

БИРИНЧИ ПРОГРАММА

(3-канал)

13.00 дан—Москва кўрсатади.

ТОШКЕНТ КЎРСАТАДИ

Рус тилида: 17.35—Эшиттиришлар программаси, 18.00—Телеянгиликлар, 18.10—Ватанимиз мудофаасини мустаҳкамлаймиз (ёшлар учун).

Ўзбек тилида: 18.30—Телеянгиликлар, 18.45—Ширин мевалар фабрикасидан репортаж, 19.05—Горький дўсти Андреева (ҳужжатли фильм).

19.55 дан—Москва кўрсатади.

ТОШКЕНТ КЎРСАТАДИ

Ўзбек тилида: 21.30—Ўзбекистон санъат усталари, 23.00—Киножурнал.

23.15 дан—Москва кўрсатади.

ИККИНЧИ ПРОГРАММА

(5-канал)

Рус тилида: 18.00—Ўқув эшиттиришлари программаси. Адабиёт, 18.30—Физика (мактаб ўқувчилари учун), 19.00—Олий математика (студентлар учун).

19.55 дан—Москва кўрсатади.

УЧИНЧИ ПРОГРАММА

ТОШКЕНТ КЎРСАТАДИ

(9-канал)

Ўзбек тилида: 19.35—Эшиттиришлар программаси, 20.00 — Дарсликларингиз саҳифаларидан (мактаб ўқувчилари учун), 20.20—Яхши кайфият ижодкорлари, 20.40 — Тошкент янгиликлари, 20.50—СССР халқлари куйлари.

Рус тилида: 21.30—Тошкент янгиликлари, 21.40 — Ветеранлар (ҳужжатли фильм), 22.00—Момақалдироқ (бадиий фильм.)

ТЕАТР

НАВОИЙ НОМЛИ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРДА—6/II да Чио-чио-Сан, 7/II да Спартан.

ҲАМЗА НОМЛИ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАРИДА—6/II да Мирзо Улуғбек, 7/II да Саранжомат дилбарим.

МУҚИМИЙ НОМЛИ ТЕАТРДА—7/II да Икки билагузун.

КИНО

«Сатурн»га йўл (1 ва 2-серия)—«ЎЗБЕКИСТОН 25 ЙИЛЛИГИ», «ВОСТОК», «ЧАЙКА», НАВОИЙ номли, «ЎЗБЕКИСТОН» (кундуз ва кечқурун).

Корнет учун романс—«КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ» (кундуз ва кечқурун), «МОСКВА» (кундуз соат 12, кеч 8 ва 9-40 минутда).

Тоғдаги учрашув — «КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ» (эрталаб соат 10, ва кундуз 4 да).

Бу телба дунё—«МОСКВА» (кундуз соат 2 ва 5 да).

«ЎЗГИПРОКОММУНИНЖПРОЕКТ» ЛОЙИҲАЛАШ ИНСТИТУТИГА

газлаштириш бўйича объектларни лойиҳаловчи инженерлар ва техниклар, водопровод канализация инженерлари ва техниклари, инженер ва техник-электриклар, ирригаторлар, сметачилар, қурувчилар, иқтисодчилар, топографчилар, картографчилар ҳамда нусха кўчирувчилар, машинистка-лар, муқовачилар, бош бухгалтер ўринбосари, ёрдамчи ишчилар

КЕРАК

Меҳнат ҳақи—биринчи категория бўйича тўланади.

Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳри, Володарский кўчаси, 10-уй (13-трамвайнинг «Электрокабельная», 41-автобуснинг «Академия шаҳарчаси» тўхташ жойлари).

Ўзбекистон ССР қурилиш министрлиги

«СТРОЙКОМПЛЕКТ» ТРЕСТИНИНГ БОШ ТАЪМИНОТИГА

бош бухгалтер

«Стройкомплект» трестининг Марказий Жиҳозлаш базасида ишлаш учун бухгалтерлар, секретарь-машинистка, омборчи, юкчилар, склад ҳисобчилари

КЕРАК

Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳри, Қорасарой кўчаси, 318-уй (7-троллейбус, 42-автобуснинг «Чуқурсой» тўхташ жойи).

«ЎЗЭНЕРГОСБИТ»

Ҳамма истеъмолчилардан кунининг ёруғ пайтида уйлардаги, магазинлардаги, корхоналардаги, кўчалардаги, шунингдек бино ичидаги

ЭЛЕКТР ЛАМПАЛАРИНИ

ўчириб қўйишни сўрайди.

Кунининг ёруғ вақтида ташқи ёритиш лампаларидан фойдаланганларга огоҳ қилинмасдан

ЭЛЕКТР ЭНЕРГИЯСИ

узиб қўйилади.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети бирлашган нашриётининг босмахонаси. Тошкент шаҳри.

Р. 08130. ИНДЕКС — 64697. № Б — 1793.